


# ТОВУҚНИНГ... БИЛЬЯРДГА АЛОҚАСИ

***Сизнингча, бильярд ва товуқ ўртасида қандай боғлиқлик бор? Тўғри, саволим сизга қандайдир ғалати туюлар. Лекин, биласизми, Қўшовуз (биз томонда шунақа қишлоқ бор)да бильярдхона очилганидан бир-икки ҳафта ўтмай ўз-ўзидан яқин орадаги хонадонларнинг товуқлари йўқола бошлади. Кўпчилик дастлаб бу икки янгилик орасидаги "кўринмас боғлиқлик"ни пайқамади.***

Бир ҳафтада тўртта товуғидан ажраб жиғибийрон бўлиб юрган Эшқувват ака, бозордан қайтаётиб, бильярдхонадан товуқ қўлтиқлаб чиқаётган қўшниси Қулмуроднинг ўғли Хушвақтни кўрди-ю, кўзи косасидан чиққудек бўлиб кетди:

-И-и, ҳа, сенмидинг товуқларимга қирон келтирган? Қўлга тушдингми, қани мен билан юр отангнинг олдига! Товуқ ўғирлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман.

Устига бир челак сув ағдарилгандай довдираб қолган Хушвақт, эс-хушини йиғиб олгач, қўлини Эшқувват аканинг бақувват панжаларидан қутқариб олишга тиришиб, чинқира кетди:

-Э-э, нималар деяпсиз? Ким ўғри? Сизнинг товуғингизни мен қаёқдан биламан? Мен бу товуқни ҳалол ўйнаб ютволдим. Қўйворинг қўлимни...

-А, ютволдим? Кимдан ютволдинг? Қанақасига?

Бильярдхонада бошланган тўс-тўполон бироз босилгач, аста-секин ҳамма тушунмовчиликлар ўз ечимини топди. Холмўмин Луччак бильярдхона очганидан кейин, қишлоқ ёшлари "соққавозлик"ка бутунлай шўнғиб кетишган, ҳатто ютқизган одам ютуқ эгасига биттадан товуқ опкелиб бериши шарт қилиб қўйилган экан. Хуллас, сир очилди. Ҳамма товуқларни, ўйинда ютқизиб қўйиб, қарзидан қутулолмай юрган «думбул»лар гумдон қилишган экан.

Шу-шу бўлди-ю, Холмўмин Луччак ҳам ашқол-дашқолини йиғиштириб, дўконни ёпадиган бўлди.

Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, қўшовузликлар бу ҳангомани давраларда тез-тез эслаб туришади.

**Юнус АСРОРОВ,**
**Самарқанд.**

# КАЙФИ ОШГАН "ҚОРБОБО"...

***Адҳамжон мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Сал тўлароқ бўлгани учун ундан "арча байрами"да Қорбобо бўлишини сўрашди.***

-Эй, йўқ, - деди Адҳамжон кўнмасдан. – Энди бир камим қорнимга болиш тиқиб, иягимга пахта боғлашим қолувди...

У деб кўришди, бўлмади, бу деб кўришди бўлмади, охири "байрамдан кейин яхшилаб қуйиб берамиз..." дея бир амаллаб кўндиришди. Шундаям Адҳамжон "Бўлди, дегунимча опкелаверасизлар..." деб шарт қўйганига нима дейсиз?

Мактабнинг улкан спорт залида арча безатилди. Болажонлар унинг атрофида ўйин-кулги қилишиб, Қорбобонинг ажойиб совғаларини олишди. Адҳамжон ҳам бир чиройли Қорбобо бўлди-ей... Биққигина, юмалоққина... Қўлида зар асо, елкасида қоп, ёнида фаррошимизнинг қизи Мўътабархон – Қорқиз билан залга кириб келганида ҳам, бутун кеча давомида ҳам уни биров танимади. Ҳаттоки, ўғли Рустамбек ҳам Қорбобо ўзининг дадаси эканлигини билмади.

Байрам тугаб, ҳамма тарқагач, илмий бўлим мудирининг хонасида ваъда қилинган "маросим" бошланди. Адҳамжон илмий бўлим мудири, физика ўқитувчиси ва қоровул амаки билан бирга байрамни "нишонлади". Шу даражада "чанқаган" эканки, ҳатто ясама соқол-мўйлови-ю, қорнидаги болишни олиб қўйишни ҳам "унутди".

Хуллас, байрам байрамдек ўтди. Адҳамжон туртиниб-суртиниб, устидаги либосларини ҳам ечмасдан уйига равона бўлди. Бироқ... Эртаси куни қишлоқда кайфи ошиб, ариққа йиқилиб қолган "Қорбобо" ҳақида латифаомуз гап тарқагани чатоқ бўлди-да...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# "ҚОРИНҚУЛ"

***Янтоқли қишлоғида яшайдиган Қодирқул қассоб еб-тўймаслиги билан машҳур эди. Бир ўтиришда тўрт-беш кишининг овқатини кўрдим демай паққос тушираднган бу мечкайни одамлар орқаваротдан Қоринқул деб аташарди. Бунинг устига, Қоринқули тушмагур меш қорнини тўйдириш илинжида шумшуклик қилиб, "тутун чиққан жойдан" қолмас эди.***

Саратоннинг жазирамали кунларидан бирида қўшниси Салим бобонинг сигири болалаганини эшитган Қоринқулга жон кирди, "бузоқ муборак"ни баҳона қилиб, оёғини қўлига олганча ўша ёққа югурди.

-Бузоқ қуллуқ бўлсин, Салим амаки, - деди у илжайиб. – Бундай ажойиб воқеани нишонламасак бўлмас дейман...

Салим бобо Қоринқулнинг ниятини тушунди. Кўнглида бир шумлик туғилди. "Сен мечкайни шундай боплайки, бир умр эслаб юргин", деб қўйди ичида.

-Ўзимнинг ҳам кўнглимда шундай ният бор эди, - деди Салим бобо муғомбирона илжайиб. – Келганинг яхши бўлди. Момонг сигирнинг ўғиз сутидан бир қозон атала пишириб қўйибди.

-Ия, гулағой менинг жони-дилим-ку! – деди Қоринқул тамшаниб. – Бу таом одамга қувват бағишлайди.

Шундай қилиб, Қоринқул катта корсон товоқдаги ўғиз сутидан пиширилган аталага иккита нонни бўктириб еб олди. Устидан Салим бобонинг ўттизта қайнатилган тухумини ҳам паққос туширди.

-Момонг икки килогина ширвоз гўштидан шўрва ҳам пишириб қўйган эди, - деди Салим бобо унга синовчан тикилиб. – Нима қилсин, сузаверсинми?

-Сўраб бергунча, уриб бер, деганлар, - деди Қоринқул пешонасидаги реза-реза терларини арта туриб. – Ахир, бир товоққина гулағой билан уч-тўртта тухум ошқозонга юк ҳам бўлмади-ку.

Хуллас, Қоринқулбой ширвоз гўштини ҳам шўрваси билан пок-покиза туширди. Нафси сал ором олгач, янги туғилган бузоқнинг ҳақига узундан-узоқ дуо қилиб ўрнидан турди... Негадир кўнгли айнаб, ўзини лоҳас сеза бошлади. Уйигача зўрға етиб борди. Илкис ўқчиди-ю... гумбурлаб ерга қулади.

Қоринқул ўша ётганча бир ҳафта ўрнидан қўзғалмади. Ҳатто, бир неча кун тили ҳам калимага келмади. Уни тузатгунча дўхтирларнинг ҳам қилмаган амаллари қолмади. Қоринқул ўзига келгач, илк айтган гапи шу бўлди:

-Ай, нафсимиз қурсин бизнинг, шу чоққача юрган эканмиз-да, ҳандалакдай қориннинг қули бўлиб...

**Ғафур ЭШМУРОДОВ**

# БУХОРО ГЕЛИОТЕХНИКА МАКТАБИ

(Боши 1-бетда)

1970 йилда Б.Очилов томонидан Қизилқум саҳросининг Боймуродқудуқ овулида фойдали сатҳи 700 квадрат метр бўлган қуёш-сув чучитгичи қурилмаси яратилди. Бу қурилма йилига 900-1000 куб метр тозаланган сув ёки 2000 куб метргача ичимлик сув олиш имкониятини берди. Кейинчалик биз Б.Очиловнинг бу тажриба натижаларини ҳар томонлама таҳлил этиб, қуёш-сув чучитгичларининг янги конструкция поғонали қуёш сув чучитгичи яратдик. Натижада 1974 йилда "СОУ-1000" деб номланган қия поғонали қуёш сув чучитгичи Қизилқум саҳросидаги Қарағатта овулида барпо этилди. Қурилма давлат синовидан муваффақиятли ўтгач вилоятимизда шундай сув чучитгичларни барпо этиш тўғрисида қарор қилинишига сабаб бўлди. Афсуски, бу қарор мустабид тузум давридаги бошқа қарорлар сингари ўз ижросини топмади.

70-йилларда Ю.Ёқубов томонидан иссиқлик аккумуляторли иссиқхоналарни яратиш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар синовдан муваффақиятли ўтганди. Кейинги йилларда изланишлар фаоллашиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритишга ва бошқа мақсадларга мўлжалланган гелиоқурилмалар яратилди. Шу соҳада кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор ошди.

Давр мамлакатимиз ва хорижда олиб борилаётган тадқиқот ҳамда амалий ишлар натижаларига асосланиб, иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш тизимларида қуёш энергиясидан фойдаланишга дадиллик билан кириб боришни талаб этмоқда. Ҳар бир корхона ва ташкилот энергияга бўлган эҳтиёжининг ҳозирча камида 3-5 фоизини қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига қондириш чораларини кўриши керак. Бунинг учун эса илмий-тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлигини янги поғонага кўтариш лозим. Яна бир гап, соҳанинг жадал ривожланиши учун тадқиқотларни молиялаштириш даражасини ошириш, етук гелиотехник мутахассислар тайёрлаш, шу соҳада ишловчи олимларни гелиоқурилмалардан самарали фойдаланаётган мамлакатларга хизмат сафарига юбориш зарурияти сезилмоқда. Ва ниҳоят давлатнинг бевосита иштирокида чет эл сармоясини жалб этган ҳолда энг зарур гелиотехник асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилиб, уларда тайёрланаётган қурилмалар аҳолига имтиёзли кредитлар асосида сотилса, нур устига аъло нур бўларди.

**Суҳбатдош:**
**Истам ИБРОҲИМОВ**

# ҚОРАҚАЛПОҚ ШОЛИСИ

***Янги йил байрами арафасида гуруч харид қилган уй бекалари унинг арзонлигидан мамнун бўлишди. Ахир, ҳар йилгига нисбатан бозор расталарида гуруч мўл-кўл-да. Бунинг сабаби бор, албатта.***

2002 йил Оролбўйи ҳудудидаги деҳқонлар, айниқса, қорақалпоғистонлик шоликорлар учун баракали бўлди. Икки йил сурункали давом этган қурғоқчилик, сув танқислиги оқибатида юз берган мураккаб вазиятни бошдан кечирган қорақалпоғистонлик шоликорлар шу йил май ойининг охирларида каналларда сув лиммо-лим оқаётганида ҳам бироз иккиландилар. Ахир, айтишга осон, шоли уруғи қадаш июн, ҳатто июл ойларига қадар чўзилиб кетиши мумкин. Устига-устак, икки йилдан буён экин экилмасдан қақраб ётган далаларни бегона ўтлар босиб кетган, улар шоли экилгандан кейин янада ривожланиши тайин, демак курмак мўл бўлишига йўл очилади.

"Кўз қўрқоқ, қўл ботир" деганларидек, шоличиликка ихтисослаштирилган олтита туманларнинг шоликорлари якдиллик билан енг шимариб ишга киришиб кетишди. Техникадан самарали фойдаланилди. 12063 гектарга шоли самолётларда сепилди. Ростини айтганда, шоликорлар ўз далаларини соғиниб қолган эканлар.

**САРҲИСОБ**

Айтишга осон: нақд 24710 гектар ердаги шолизорлар бегона ўтлардан қўл билан тозаланди. 10984 гектарга эса гербицидлар сепилди, 11446 гектар шолипоялар қўл кучи билан, 9030 гектари эса самолётлар ёрдамида озиқлантирилди. Энг мураккаб вазият, ҳароратнинг етарли бўлмаслиги оқибатида юз берди: фойдали эффектив ҳарорат 220 даража кам бўлди. Ҳарқалай, куз дуруст келди. Июлда экилган шолилар ҳам пишиб, деҳқон дилини яйратди. Ўрим-йиғим, янчиб олиш ишлари ғоят уюшқоқлик билан ўтказилди. Плантацияларда, айниқса, 147 та "Класс" русумли сербарака комбайнлар ишлатилганлиги мавсумнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминлади. Натижада, давлат хирмонига 32928 тонна ўрнига 33797 тонна шоли топширилди, 4976 тонна сара уруғ тайёрлаб қўйилди.

Белгиланган шартномавий режа уддаланиб, келгуси йилларга қатъий ишонч билан дадил қадам ташланишида Нукус ва Тахтакўпир туманлари шоликорларининг қўшган ҳиссалари катта бўлди. Шунингдек, "Тахтакўпир", "Довқора", "Мақполкўл", "Кердер", "Хоразм", "Равшан", Ажиниёз номидаги ўнлаб хўжаликлар аҳил жамоаларининг ўтган йилдаги жасоратли меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлди.

Айни кунларда қорақалпоғистонлик шоликорлар жорий йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрламоқдалар.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ОТА РОЗИ – ХУДО РОЗИ



***"Отам касалманд эди. Касал боқиш жонига теккан онам отамни ташлаб, бошқа бир киши билан турмуш қурди. Мен ўз ихтиёрим билан падаримнинг олдида қолдим.***

Ўшанда эндигина 12 ёшли бола эдим. Ота-бола қийналиб яшадик. Аммо биз бирга бўлганимиздан бахтиёр эдик. Шодлигимиз узоққа чўзилмади, орадан 5-6 йил ўтиб отам тўшакка михланиб қолди. Оила ташвиши менинг бошимга тушди. Гарчи мактабда "аъло" баҳоларга ўқиган бўлсам ҳам, ўқишни ташлаб бир парча ерда деҳқончилик қилдим. Отамни опичлаб кўтариб юриш, кўнглини кўтариш кундалик вазифамга айланди.

-Ўғлим, - деди кунлардан бир кун отам синиқ овозда, - мени қариялар уйига ташлаб кел. Гулдек умрингнинг хазон бўлишига ортиқ чидай олмайман.

Бу гапдан даҳшатга тушдим. Билагимда кучим бўла туриб, ўз роҳат-фароғатимни ўйлаб отамни қариялар уйига ташлаб келишдан ортиқроқ азоб йўқлигини билардим. Шу сабаб бу ҳақда гап кетганида суҳбат мавзуини бошқа томонга буриб юборардим. Мени отам яхши тушунганлиги сабаб бу ҳақда гапирмай қўйди.

Ёшим йигирма бешга тўлганида қўшни қизни севиб қолдим. Тоғам совчи бўлди. Томонлар келишиб биз учрашувга чиқдик.

-Отангиз бахтимизни боғлаб қўяди, - деди қиз ошкора. – Уни қариялар уйигами, бошқа бирор жойгами ташлаб келинг. Шунда сиз билан турмуш қураман.

Унга ҳеч нарса демадим. Биз совуққина хайрлашдик. Икки ўт орасида узоқ вақт "ёндим". Бундан хабар топган отам 10 дона "анальгин" дорисини ичиб, ўз жонига қасд қилди. Бахтимга омон қолди. Шу-шу қўшни қизга бўлган муҳаббатим сўнди. Фарзанднинг отага бўлган муҳаббати қалбимдаги бошқа бир туйғудан устун келганлигидан шодланиб яшадим. Бир зумда 10 йил ўтди-кетди. Отам бандаликни

**БУРЧ**

бажо келтирди. Ўлимидан олдин розирозилик беракан, "дунёга келиб сендек ўғилнинг отаси бўлганлигимдан фахрланаман", - деди. Отамнинг охирги сўзи шу бўлди.

Отамни сўнгги манзилга кузатиб, қабристондан қайтар эканмиз, одамларнинг "шу мажруҳ отани дея гулдек умрини хазон қилган йигитга яхши бўлди", деган сўзлари қулоғимга чалинди. Отанинг ўлими болага "яхши" бўлиши мумкин бўлса, мен бундай "яхшилик"дан кўра мажруҳ отам билан яшашдек кишилар назаридаги "ёмонлик"нинг устун эканлигини ҳали ҳамон қалбан ҳис этаман. Тўғри, отамнинг касаллиги туфайли энг гуллаган ёшлик чоғимда бошқалар сингари ўйнаб-кулмаган, каттакатта шаҳарда ўқимаган, оламолам орзуларим ушалмаган бўлса-да, бу дунёда энг бахтли инсон сезаман ўзимни. Чунки менга Яратганнинг ўзи ёшлик қилиб, отанинг дилини оғритишни раво кўрмади. Бу инсон учун оламдаги энг катта бахтдир..."

Ёшликнинг беғубор ва покиза дамларини мажруҳ отасига бағишлаган Алижон ака бугун ўз фарзандларининг меҳр-оқибатидан сармаст. Ахир айтишади-ку: "Қайтар дунё" деб. Балки, ёшлик қилиб отасини қаровсиз қолдирганида Алижон аканинг бошига ҳозиргидек бахт қуши қўнармиди, йўқми? Шу саволни унга берганимда у доимо бир гапни – "Отасини хор қилган фарзанд ҳеч қачон бахт топмайди" дейиш билан чекланади. Менимча ҳам у ҳақ. Чунки ота рози – худо рози.

**Фахриддин КАЛОНОВ**




## КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛДИ?

***Дунё мамлакатлари янги 2003 йилни кўнгилдагидек кутиб олдилар. Соат миллари 12 ни кўрсатганида Австралиянинг Сидней шаҳрида 700 мингдан ошиқроқ кишилар кўчага чиқишди.***



Ажойиб мушакбозлик туфайли шаҳар бир неча дақиқа давомида чароғон бўлиб турди. 2000 йилги Олимпиада ўйинларидан буён ҳали австралияликлар бундай мушакбозликни кўрмаган эдилар. Нью-Йоркда ҳам ярим миллионга яқин кишилар байрамни кўчада нишонлаганлар бўлсалар, айни шу вақтда Париж шаҳрида ҳам шунча миқдордаги аҳоли ташқарида эди. Бундан ташқари, Берлин, Москва каби дунёнинг энг катта шаҳарларида ҳам минглаб кишилар янги йилни очиқ ҳавода мушакбозликлар қуршовида кутиб олдилар.

## ЯНГИ ҚЎШИНЛАР ЮБОРИЛМОҚДА

***Ироққа нисбатан эҳтимолли бўлган урушга тайёргарлик кўриш доирасида Пентагон ташкилоти Жоржия штатида жойлашган АҚШнинг учинчи пиёдалар дивизиясини Форс кўрфазига жўнатиш учун буйруқ чиқарди.***



Мазкур дивизия таркибида 15 мингдан ошиқроқ аскар, 4300 та танклар, бронетранспортёрлар ва бошқа ҳарбий машиналар бор. "Нью-Йорк таймс" газетасининг ёзишича, бу дивизиядан сўнг Форс кўрфазига икки ёки учта дивизия ҳам жўнатилиши кутилмоқда. Улар орасида 101-ҳаво десантчилари дивизияси ҳам борки, мазкур қўшинлар "Apache" ва "Blackhawk" вертолётлари билан қуролланганлар. Шунингдек, Пентагон бир вақтнинг ўзида 1000 нафар аскарга тиббий хизмат кўрсатувчи "Comfort" кемасини ҳам кўрфазга юборишни режалаштирмоқда.

## ЛА-МАНШДА ИККИНЧИ ТЎҚНАШУВ

***Бортига 70 минг тонна керосин ортган Туркиянинг "Вики" танкери Ла-Манш бўғозида "Триколор" кемасининг сув остида турган корпуси билан тўқнашиб кетди.***



Ҳозирда тўқнашув юз берган жойда Франциянинг ҳарбий денгиз кучлари қутқарув ишларини олиб бораётган бўлиб, "Вики" танкерининг қай даражада зарар кўргани аниқ эмас. Айрим манбаларга кўра, Нью-Йоркдан Антверпен томон йўлга чиққан Туркия танкери 10 градусга оғган бўлиши мумкин. Кема бортида бўлган 24 кишилик экипаж аъзоларига эса зарар етмаган. Уч мингта яқин енгил автомобилни олиб кетаётган "Триколор" эса 14 декабр куни бошқа бир кема билан тўқнашув натижасида сувга ғарқ бўлган эди.

## МУАММОНИ ТИНЧЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ КЕРАК

***АҚШ президенти Жорж Буш Шимолий Кореянинг ядро қуроли дастури билан бўлаётган низо тинч йўл билан ҳал этилиши мумкинлигини айтди.***



31 декабр куни эса Шимолий Корея ҳукумати мамлакатда фаолият юритаётган атом энергетикаси бўйича халқаро агентликнинг инспекторларини ўз ҳудудидан чиқариб юборган эди. Айни вақтда Пхеньянга қўшни бўлган давлатлар Япония, Жанубий Корея ҳукуматлари Шимолий Кореянинг бугунги ҳаракатидан безовталикларини билдириб, уни ядро дастурини тўхтатишга чақирмоқдалар. Бир йил аввал эса АҚШ президенти Шимолий Кореяни "ёвузлик ўчоқлари"дан бири дея айтган эди.

**"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.**

# АДВОКАТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

(Боши 1-бетда)

**А.АЛИЕВ:** - Адвокат томонидан шахс ҳуқуқларининг малакали ҳимоя қилиниши фуқаролар ва давлат манфаатларига мос келади. Жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича ҳақиқатни қарор топтириш учун фақат давлат органларигина эмас, балки яхши уюштирилган ва тўсиқларсиз ҳаракат қилувчи адвокатура ҳам зарур. Яширмаймиз, яқин-яқингача адвокатура узоқ йиллар давомида ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимининг энг қуйи қисми сифатида саналиб келинди. Чунки, бизнинг жамиятимизда ҳуқуқни ҳимоя қилиш давлат муассасалари: суд, прокуратура, милиция ҳисобланарди. Адвокатуранинг роли эса пасайтирилар эди. Тассуфки, бу қараш ҳали ҳам буткул йўқолмаган. Тўғри, мустақилликка эришгач, ўтган йиллар давомида республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида талай ишлар амалга оширилиб, хусусан, шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усулларнинг қўлланилишига йўл қўймаслик, айбланувчи ҳаракатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳоланишига, жиноятга яраша адолатли жазо тайинлашга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниши улкан қадам бўлди. Аммо... аммо бу қонунлар амалда ҳамиша ҳам ўз ижросини тополмаяпти.

**Г.БЎРОНОВА:** Ҳар бир соҳада ислоҳот туфайли маълум бир камчиликлар кузатилиши табиий ҳол. Бора-бора бу камчиликлар ҳам буткул ечимини топади. Бироқ, адвокатура тизимида муваффақиятларга эришиш мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида ислоҳотлар олиб борилаётганига неча йил бўлибдики, ҳатто энг оддий унсурлар ҳам ижобий ўзгаришга юз тутгани йўқ. Дейлик, биз адвокатларни энг қийнаб турган ҳолат бу – суриштирув-тергов органлари ходимларининг ишимизга кўп тўсқинлик қилаётганликларидир. Масалан, Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасига мувофиқ айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан холи учрашишга ҳақлидир. Бунда учрашувлар сони ва давом этиш вақти чегараланмайди. Амалда эса... дейлик, менга белгиланган иш бўйича тергов идорасига бораман. Адвокат эканлигимни тасдиқловчи ҳужжат билан бинога кириб кетолмайман. Ишни олиб бораётган терговчига қўнғироқ қиламан. Терговчи рухсат берса, бу биз – адвокатлар учун бахт! Афсуски, бундай самарасиз қўнғироқлар ҳафталаб давом этиши мумкин. Ҳафталаб тергов идорасига қатнаб, гумон қилинувчи билан учрашолмай сарсон бўлиб юрамиз. Гумонланувчига нисбатан иш қўзғатилгач, ўнинчи-ўн биринчи кунидан бошлаб у билан учрашишга муяссар бўламиз. Айрим ҳолларда эса гумонланувчининг "ўз ихтиёри" билан адвокатга муҳтож эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатга дуч келамиз. Тергов бўлими бошлиғига қилган, мурожаатимиз жавобсиз қолаверади. Қизиғи, бу жаноб билан ҳатто телефон орқали ҳам сўзлашишнинг иложи топилмай қолади.

**А.АЛИЕВ:** Ваҳоланки, гумонланувчига нисбатан иш қўзғатилмай туриб адвокат иштирок этиши, гумонланувчи ёнида турмоғи лозим. Гумонланувчи ҳуқуқий маданияти шаклланган, саводли бўлса, бизнинг иштирокимизга ҳожат бўлмаслиги мумкин, бироқ, жамиятимизда барчанинг ҳуқуқий саводи юксак, деб айтолмаймиз. Ҳуқуқий саводсизлик муаммоси бугун ҳам долзарблик касб этаётгани сир эмас. Шундай ҳолатда адвокатларга тўсқинлик қилиш инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлигини инкор этишмасми?! Дастлабки терговда адвокатлар ҳуқуқларини кенгайтиришга қарши чиқувчилар гўёки адвокатлар тергов муддатини чўзиб юбориши ва тергов сирини ошкор қилишлари мумкин, деб важ кўрсатадилар. Терговда ошкораликнинг йўқлиги жамиятга қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун терговларда хатоларга йўл қўймаслик муаммолари ижтимоий тус олди.

Айбланувчига то ҳукм ўқилгунча адвокат прокурор билан тенг ҳуқуқли томон сифатида эмас, балки гўё бечора қариндош сифатида қатнашаётганини хотиржам кузатиш ҳам ғоят ачинарли.

**Г.БЎРОНОВА:** - Аммо бир жиҳатни таъкидламасак, нохолислик қилган бўламиз. Биз – адвокатларга далда бўлиб, кўнглимизни кўтараётган ижобий ўзгаришлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, мамлакатимизда суд соҳасида қилинаётган ислоҳотлар туфайли аввало, судья кадрларнинг тўғри тайинланаётганликлари яхши натижаларга олиб келяпти.

Яширишнинг ҳожати йўқ, олдин адвокатлар суд жараёнида иштирок этиши самарасиз кечарди. Ҳатто суд ажримини ёза олмайдиган судьялар адвокатларга беписандлик кўзи билан қарардилар. Ҳозир эса бунинг акси, ниҳоятда саводли, қонун номи билан адолатли иш кўраётган судьялар кўп.

**А.АЛИЕВ:** Ҳозир судьяларда шаклланаётган бу муносабат суриштирувчи, прокурорларда ҳам кўришни истардик. Қолаверса, ҳар бир кўрилаётган иш ортида инсон тақдири ётганлигини унутмаган ҳолда ниҳоятда савод, ҳуқуқий билим билан ёндошиш уларнинг бурчи эканлигини унутишмасалар.

**Г.БЎРОНОВА:** Шу ўринда бир мисол келтирсам. Бир фуқаро ошхона очмоқчи бўлади. Бу ошхона санитария қоидаларига жавоб берадимийўқми, шуни аниқлаб, ҳокимиятга бу ҳақда маълумот бериш юклатилган инспектор аҳолига маиший хизмат кўрсатиш туманлараро бўлими ходими иш фаолиятида пора олиш билан қўлга тушади. Энди тергов органлари ходимларининг саводсизлигини қаранг, айбланувчи оддий инспектор, у фақат акт тузиши мумкин. У эса ЖКнинг 205-моддасига биноан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликда айбланади. Камига 205-нинг ёнига 210-моддасини ҳам қўшиб қўйишган. Ваҳоланки, бу икки модда бир ўринда келтирилиши мантиқсиз.

Худди шундай, кўпинча гумонланувчиларни камида уч-тўрт модда билан айблаб иш қўзғатади. Суд ҳал қилади, дейишади. Мабодо, судья енгил жазо берса (жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан суд соҳасида қатор ижобий ўзгаришлар юз беряпти), прокурор протест келтиради.

**А.АЛИЕВ:** Кўпинча ривожланган мамлакатларда адвокатлар энг нуфузли шахс эканликлари, уларнинг ваколати жуда юқорилиги ва айбланувчилар кўп ҳолларда адвокатлар иштироки билан оқланиб кетиши ҳақида гапиришиб, нега бизда адвокатлар фаолияти суст, деб таъна қилишади. Инкор этмаймиз, таассуфки, ҳануз суд курсисида ўтирган шахс оқлана олмаяпти. Биз – адвокатлар унга берилаётган жазони енгиллаштираяпмиз, холос. Бунинг айрим сабабларини санаб ўтдик. Аммо адвокатлар нуфузи у қадар баланд эмаслигига бу соҳада ишлаётган айрим ҳамкасбларнинг ҳам таъсири бор. Судья ёки прокурор ўз ишидан четланса, адвокат бўлиб оляпти, худди бир юмалаб шаҳзодага айланган сеҳргар каби...

Айтмоқчи бўлганим, адвокатура тизимида ҳам ўз касбининг ҳақиқий фидойиси фаолият кўрсатиши керак. Ана шунда у ҳимоячи номига доғ туширмайди, бўлаётган тўсиқларни енгиб ўтади.

***

Инкор этмаймиз, адвокатура тизимини ислоҳ қилишда ижобий ўзгаришлар ҳам юз бераяпти. Очиғи, бунда ютуқлар хусусида сўзлашдан, кўкрак кериб мақтанишдан тийилдик. Шу боис ҳам, эҳтимол, давра суҳбатимиз бироз танқидий кўринишга эгадир.

Матбуот саҳифаларида кўп ҳолларда адвокатлар муаллифлигида асосан судларда хатоликларга йўл қўйилаётгани ҳақида бонг ураётган чиқишларга дуч келяпмиз. Истардикки, адвокатлар суддан сўнг айбланувчи беайб эди, дея жамоатчиликка бонг урмай, суд курсисида ўтирган айбланувчи (агар у ростдан ҳам бегуноҳ бўлса!)ни оқлаб чиқса, жазо ҳукми ўқилмаса.

Бунга эришиш учун юқорида санаб ўтилган айрим муаммолар бартараф этилмоғи лозим, деб ўйлаймиз.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СОҲИБҚИРОННИНГ СУЯНГАН ТОҒЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Ёш Темурнинг болалар тўпини иккига бўлиб, бир-бирлари билан уру-



шишни машқ қилиши, ўртада ихтилоф чиққанда унга ўзи ҳакамлик қилишини назарда тутсак, келгусида ўзига қанот бўлган ёвқур саркардаларни маълум даражада ўзи тарбиялаб етиштирган, дейиш мумкин.

"...Амирларимнинг бариси ақл-хуш эгалари, базму-разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди", - дейди Соҳибқирон ўз "Тузуклар"ида.

## ҚЎЛИ ОЧИҚНИНГ ЙЎЛИ ОЧИҚ

Соҳибқирондаги фавқулодда сахийлик хислатининг ўзиёқ, унинг тарафдорлари сафининг мунтазам ўсишига омил бўлганлиги, шубҳасиз. У Мовароуннаҳр тахтига келишидан аввал Балхни олганида, бой ўлжалар қўлга киритилади. Қоида бўйича ўлжанинг бешдан бир улуши ғолибга, яъни шахсан Амир Темурга тегиши лозим эди. Аммо у тобора уюлиб бораётган ўлжага қўл урмай, уларни йигитлари ўртасида тақсимлашни буюради. Шунда унга, ўлжадан ўз улушини рад этиш баъзи руҳонийлар томонидан турли шубҳали маъноларда талқин этилиши мумкинлигини айтишади. Пировардида, ушбу улуш Кеш масжидларига ҳадя этилади.

Соҳибқирон айниқса, ўз саркардаларини жуда қадрлар, уларнинг мавқеларига қараб, беҳад мурувватлар кўрсатар эди. Амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш ҳақида "Тузуклар"да алоҳида боб ҳам ажратилган.

Амир Темурнинг сахийлиги унинг сиёсий рақиби бўлган Амир Хусайнга мутлақо ёт хислат эди. Оқибатда Амир Хусайн мағлуб этилгач, соҳибқирон унинг бой хазинасини Жоку Барлос, Ики, Ул-Умро, Азизиддин, Менгли Буғо каби амирларига улашади.

Соҳибқироннинг сахийлиги ҳақида рус тарихчиси Владимир Черевански ҳазиломуз оҳангда шундай ёзади: "Темур буғдой турмайдиган халтадек саховатли эди. Шундай экан, бундай даҳо билан ким ҳам ўтга ва сувга кирмайди?".

## ТАХТ БЎСАҒАСИДА

1370 йил 8 апрел (хижрий 771 й.) куни Балхда йиғилган қурултойда Амир Темур тантанали равишда Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинган. Чиғатой улусининг турли шаҳарларидан келган ушбу издиҳомда амир Ики ва амир Жоку Барлослар тартиб сақланишини таъминлашган экан. Ўзининг Мовароуннаҳр ҳукмдори мавқеини эгаллашида катта хизматлар қилган садоқатли амирлари Ики Темур ва амир Жокуни Соҳибқирон ўз "Тузуклар"ида "давлатимнинг таянчи, икки қўли" дея улуғлайди. Қурултойда Соҳибқироннинг ёшлигидаги қуролдошлари, тенгқурлари ва ҳатто душманлари ҳам қатнашадилар. Улар орасида Амир шайх Муҳаммад, Баён Сулдузий, амир Олжойту, амир Кайхисрав Хутталоний, амир Довуд Дуғлат, Амир Сорбуғой Жалойир, амир Зинда Ҳашм ва бошқа мўътабар тўралар бор эди.

Соҳибқирон жанговар йўлининг бошида, ҳали Мовароуннаҳр ҳокимлигига эришувидан анча аввалги саргардонликлар даврида унга Сиддиқ Барлос, Қозончи баҳодир, Туғлуқхожа Барлос, амир Сайфуддин, Тубак баҳодир Шер Баҳром каби сарҳанглар келиб қўшиладилар.

Кейинроқ Жете қўшинидан бўлмиш Амир Сулаймон Барлос, амир Мусо Барлос, амир Жоку Барлос, амир Жалолиддин, амир Ҳиндука Барлослар ҳам етиб келиб, Улуғ амир мулозиматида бўлишган. "Ғанимларимни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқни ва улар вужудидаги ёндирувчи (ғазаб) ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим" деган тузук буюк бобомизга ана шундай хайрли натижа келтирган. Кейинроқ, Амир Хусайннинг мағлубиятидан сўнг унинг тажрибали саркардалари ҳам Соҳибқироннинг иноятu марҳамати туфайли унинг хизматига ўтганлар.

## АСКАРИ ҚУВВАТЛИ МАМЛАКАТ...

Соҳибқирон ўз салтанатининг ҳарбий тузилмасини мукаммал ташкил этишга катта эътибор қаратган. "Аскари қувватли мамлакат бой бўлади, бой мамлакатнинг аскари қувватли бўлади", деган ақида унинг саъй-ҳаракатларига мос эди. Ўн икки даражадаги амирлик мансаби тайинланиб, уларнинг мавқеи ва ваколатлари тузук орқали қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, салтанат қарамоғидаги улус ва аймоқлардан ҳам амирлар тайинланган. Улар жангу жадал вақтида тузукка биноан ўз улусидан отлиқ аскар тўплаб, ҳозир бўлганлар.

Соҳибқирон қўшинидаги амирлар ўзларининг садоқатли хизматлари эвазига юксак мартаба ва мукофотларга эришганлар. Масалан, етти йиллик урушдан сўнг, қўшиндаги барча амирларнинг унвони ёппасига оширилади. Оддий аскарларга эса "ботир" унвони муносиб кўрилган.

## ҚАТЪИЙ АҲД

Ҳар қандай мушкул шароитда ҳам Соҳибқирон аҳдига қарши бориш ёки қарорини ўзгартиришга уриниш мутлақо мумкин эмас эди. Бундай шахс, ким бўлишидан қатъий назар, қаттиқ жазоланган. "Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин", дейди Соҳибқирон. Қуйидаги воқеа бу фикрга яққол далил бўла олади.

1398 йилнинг ёз чилласида Улуғ амир асосий қўшинини Ҳиндистон сари бошлади. Йўл Ҳиндикуш тоғлари бўйлаб ўтар эди. Фаранг тарихчиси Люсьен Кэрен ушбу сафар машаққатлари ҳақида шундай ёзади: "Узоқ юриб толиққан, баландликдаги ҳаво етишмаслигидан, тундаги даҳшатли совуқдан, кундузлари эса кўзни қамаштирувчи ёруғликдан азоб чеккан навкарлар жон-жон деб водийга қайтиб тушган бўлардилар. Бироқ Соҳибқироннинг метиндек иродаси бунга асло йўл қўймасди, зеро "Бугунги ишни эртага қолдирмаслик" унинг севган шиорларидан бири эди.

Кофирларни уларнинг қўл етмас қоя устига тош ва муздан тикланган қўрғони этагигача қувиб бордилар. Бир неча кунлик бефойда қамалдан сўнг суяк-суякларигача совуқ ўтиб кетган Амир навкарларининг тақдирга тан беришдан ўзга иложлари қолмади".

Мана шу сафарда юз берган бир воқеани муаррих Ибн Арабшоҳ ўз асарида ёзиб қолдирган:

"Соҳибқирон" амирлар ва акобирларни ўз ҳузурига чақириб, уларни қаттиқ ҳақорат қилган ва ҳатто чап қўли билан қиличини қинидан чиқариб, уларнинг эгик бошларига таҳдид солган. Ҳеч ким эътироз билдирмагач, тезгина ҳовуридан тушган ва яроғини қинига солиб, шатранж ўйинини келтиришларини буюрган. Бироқ эртаси куни эрта тонгдан бошлаб у амиру лашкарбошиларининг ҳар бири билан шу лаънати қўрғонни ишғол этиш хусусида маслаҳатлашган.

Соҳибқирон уларнинг тушкун кайфиятию мужмал жавобларини кузатиб ич-ичидан куюнди ҳам. Амир Темурнинг ишончли маслаҳатчиси бўлмиш Муҳаммад Қавчин эса ўз бахтига қарши барчанинг олдида унга бу машъум қалъа уни қўлга киритиш учун бериладиган қурбонларга арзимайди, деб айтишга журъат қилди. Бу гапда албатта жон бор эди, бироқ бу Соҳибқиронга хуш ёқмади.

Ғазаб отига минган Соҳибқирон ўз ҳузурига қўшиндаги энг ғариб кимсани топиб келтиришларини буюради. Унинг олдига ошхонада мол-ҳол сўйиш ва идиш-товоқларни ювишда ошпазларга қарашиб юрувчи юпун, бадбашара ва бадбўй бир кимсани бошлаб келдилар. Соҳибқирон Муҳаммад Қавчинга зарбоф сарпосини шу кимсанинг жулдур кийимлари билан алмашишни буюрди.

Сўнгра Амир Темур бахтиқаро маслаҳатчининг бутун молу дунёсини: барча иморатлари, ер-суви ва боғу роғларини, чорваси, пули, тилло ва қимматбаҳо буюмларини, хотинларию канизакларини омади келган хизматкор фойдасига мусодара қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Муҳаммад Қавчин ошхонага жўнатилди, у Амир Темур оламдан ўтгунига қадар хор-зорликда кун кечирди.

## НОАҲИЛЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Соҳибқирон вафоти олдидан ёнига яқинлари қаторида ўзининг энг садоқатли амирлари – амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфларни чақириб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадни ўзига валиаҳд деб белгилайди, йиғилганлардан аҳдни бузмасликка сўз олади.

Лекин афсуски... Соҳибқироннинг ўз айтганидек, "улкан мерос улкан ихтилофларни туғидирди". Ҳали жаҳонгирнинг тупроғи совумай турибоқ, унинг ворислари ўртасида тож-тахт учун муросасиз курашлар бошланади. Улуғ амир васиятига содиқ қолиш учун онт ичган атоқли амирлар у ёки бу шаҳзода томонига ўтиб, курашишга мажбур бўладилар. Чунки, кўпгина моҳир ва тажрибали беклар Соҳибқирон набираларига отабеги этиб тайинланган эдилар. Кечагина биргаликда Соҳибқироннинг музаффар қўшинини ташкил этган ва жангларда мислсиз баҳодирликлар кўрсатган лашкарбошилар энди ўз шаҳзодалари амрига биноан, бир-бирларига қарши тиғ кўтардилар. Бу аввало, ворисларнинг ноаҳиллиги оқибати эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, амирларни айблаш ҳам ноўриндек, чунки улар Соҳибқирон тузукларига биноан, ўз ҳукмдорининг амрини сўзсиз бажаришга ўрганган эдилар. Соҳибқироннинг таъбирига кўра, уларнинг "бирлик-иттифоқлари шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар" ("Тузуклар", 92-бет). Афсуски, бу бирлик-иттифоқнинг бош омили ягона зот – Соҳибқирон ва унинг "Куч адолатдадир", деган шиорида эканлиги маълум бўлди. Тарихий манбаларда Амир Темурнинг энг садоқатли ва атоқли бекларидан бўлмиш амир Шайх Нуриддин, амир Худойдод ва амир Шоҳмалик каби эски қуролдошлар бир-бирларига қарши бир неча бор жанг майдонига кирганликлари айтилади. Шу тариқа, Улуғ Саркарда раҳбарлигида тарихдаги энг улкан ва шавкатли салтанатлардан бирини бунёд этган ҳарбий тузилма қисқа муддат ичида барбод бўлди.

Амир Темур ўз амирларини биргина ҳарбу зарб санъатига ўргатмаган эди. Соҳибқирон ўз бошкенти Самарқандни ер юзининг сайқалига айлантирар экан, бу ободончиликларда жанговор амирларнинг ҳам ҳиссалари катта эди. Улар Соҳибқирондан ўрнак олиб, пойтахт атрофида бирбиридан гўзал боғлар барпо этишган. Улуғ амир вафотидан сўнг ҳам бундай ишлар имкон қадар давом эттирилган. Масалан, бир пайтлар Мирзо Улуғбекнинг отабеги бўлган амир Шоҳмалик кўп яхши қурилишларга бош бўлди. У Самарқандда мадраса, Ҳиротда жомеъ масжиди ва боғ, Қусуйа атрофида бир работ қурдирди. У бир пайтда Машҳаддаги Имом Ризо мақбараси ёнида мақбара қурдирганди, дунёдан ўтгач, ўша ерга кўмилди.

Шоҳи Зинда зиёратгоҳида ҳам баъзи амирларнинг ҳашаматли мақбаралари мавжуд.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, журналист.**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### КЛИЧКОЛАРНИ ТАЙСОН КУТМОҚДА

***Украиналик ака-ука Кличколардан бири апрел ойида англиялик Леннокс Льюисга қарши рингга чиқади.***



Бу ҳақда уларнинг промоутери Клаус-Петер Коль маълум қилган бўлиб, агар Виталий Льюис устидан ғалаба қозонса, унинг кейинги рақиби сифатида америкалик Майк Тайсон рингда кутади. Борди-ю, Виталий мағлубиятга учраса, у ҳолда унинг укаси Владимир Кличко Тайсон билан учрашув ўтказади. Кузатувчиларнинг фикрича, Кличколардан бирининг Тайсон билан ўтказажак жанги 2003 йилнинг энг кучли учрашувларидан бири бўлади.

### СИЧЕВ МАЙДОНГА ТУШАДИ

***Россиялик ёш маҳоратли футболчилардан ҳисобланган Дмитрий Сичевни Марселнинг "Олимпик" жамоаси расмий тарзда ўз аъзоси бўлганлигини эълон қилди.***



"Бу ёш форвард жамоамизда ўз қобилиятларини намоён этиши керак", деди клуб бош мураббийи Ален. Дмитрий Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида Россия терма жамоаси таркибида 22-рақам остида ўйнаган бўлса, "Олимпик"да ҳам айнан шу рақам остида ҳаракат қилади. 3 миллион еврога Москванинг "Спартак" клубидан сотиб олинган Сичев эртага "Олимпик" – "Бастия" учрашувида илк бор майдонга тушади.

### БАНК ШОҲМОТЧИНИ АЙБЛАМОҚДА

***Исроилнинг "First International Bank of Israel" банки россиялик шоҳмот устаси Гарри Каспаровни банкдан олган 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитини қайтариб беришдан бош тортганликда айблади.***

Маълум бўлишича, 2000 йилнинг сентябрида Каспаровга кредит берилган бўлиб, уни қайтариб берилиши учун шоҳмотчи ўзининг "Kasparov Chess Online" компаниясининг акцияларини тақдим этиши лозим эди. Лекин ўтган ҳафта Каспаров компания веб-сайтини ёпиш учун буйруқ берган. Банк вакилининг фикрича, шоҳмотчи шартномани бузганликда айбланмоқда ва ундан товон пули тўлаш ҳам талаб этилмоқда. Каспаров эса ўтган йил декабр ойидаги микро-матчда Анатолий Карповдан мағлубиятга учраб, мусобақада иштирок этганлиги учун 200 минг АҚШ доллари олган эди.



### ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ

***Ўзбекистон Футбол федерациясида футбол мутасаддилари иштирокида жорий йилги мамлакат XII чемпионатига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.***

Унга кўра 16 жамоа иштирок этиши мўлжалланган олий лигада чемпионатнинг дастлабки тур беллашувлари 18 мартдан бошланади. Унда "Насаф" – "Сурхон", "Бухоро" – "Цементчи", "Андижон" – "Дўстлик", "Қўқон-1912" – "Пахтакор", "Нефтчи" – "Гулистон", "Навбаҳор" – "Машъал", "Трактор" – "Металлург", "Самарқанд-Динамо" – "Қизилқум" ўзаро куч синашишади.

### КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

***Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари финалига йўлланма олиш мақсадида Бухоро вилояти туманлари жамоалари навбатдаги босқич мусобақаларини ўтказишди.***

Белбоғли кураш бўйича ўтказилган беллашувларда ғолибни аниқлаш осон кечмади. Аммо Бухоро, Олот, Жондор туманлари полвонлари рақибларидан кўра маҳратлироқ эканликларини намойиш этишиб, турнир ғолиблигини қўлга киритишди ва кейинги босқичга йўлланма олишди.

### "ПАХТАКОР"ГА "МАТИЗ" АВТОМАШИНАСИ

***Пойтахтимизнинг "Баҳор" ресторанида футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида жорий йилги мавсумда чемпионликни қўлга киритган "Пахтакор" жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди.***

Унда Ўзбекистон Футбол Федерацияси раҳбарияти, Тошкент шаҳар ҳокимияти вакиллари иштирок этишиб, мамлакат XI миллий чемпионатининг уч нафар энг яхши футболчилари Гейнрих, Гочкулиев, Жеперовларни ҳамда бош мураббий Виктор Жалилов ва унинг ёрдамчиси Тожимурод Ағамуродовларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашди. Дарвоқе, ушбу маросимда "Пахтакор" жамоасига "Матиз" автомобили мукофот тарзида берилди. Шунингдек, Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, жорий йилда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати финалига йўлланма олган Виктор Борисов мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, Рауф Инелеев етакчилигидаги ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**А.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

## ҚИШЛОҒИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

## ШАЙХЛАР ҚЎРҒОНИ

***Шайхлар қўрғони мўъжазгина жой. Ривоят қилишларича, Бухорои шарифдан Самарқанд томон етти ака-ука шайхлар илм-маърифат тарқатиш мақсадида йўлга чиқишибди.***

Шулардан бири Айноқхўжа шайх шу ерда яшаб қолган экан. Бир акаси Каттақўрғонда, яна бири Пилол қишлоғида қолишибди. Бу тахминан VIII-IX асрларга тўғри келади. Ўша вақтда бу ерлар сув босган жойлар бўлиб, атрофда кўллар бўларкан. Айноқхўжа шайх шу ерлик одамларни тўплаб ўзидаги бор билимларини уларга ўргата бошлабди. Шайх узоқ йиллар яшаб вафот этибди. Уни шу ердаги мозорга кўмишиб, қабристоннинг номини "Айноқхўжа қабристони" дея номлашибди. Бугунги кунда ҳам қабристон шундай ном билан аталади. Шундай шайхлар бу ерда кўп истиқомат қилганликлари учун қишлоқ номи "Шайхлар" деб аталган.

Шайхлар қўрғонининг қоқ ўртасида мачит жойлашган, унда кичкина-кичкина ҳужрачалар ҳам мавжуд. Бу ер мактаб-мадраса бўлган. Одамлар дастлаб шу ерда илм олишган. Машҳур мутассуф аллома Сўфи Оллоҳёр Шайхлар қўрғони яқинидаги Минглар (1625 йил) қишлоғида туғилиб, Шайхлар қўрғонидаги мактаб-мадрасада таҳсил олганлиги маълум. Шундан сўнг у юрт кезиб Сурхондарёнинг Вахшивор кишлоғига боради ва ўша ерда вафот этади.

Бугунги кунда Шайхлар қўрғонидаги масжид-мактаб тасаввуф оламининг йирик намоёндаси Сўфи Оллоҳёр номи билан аталади. Масжид ҳовлисида эса Сўфи Оллоҳёрнинг рамзий қабри қурилмоқда. Ҳадемай бу ер зиёратгоҳ жойга айлантирилади.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи.**



**Бола шод - кўнгил обод.**

К.ЖЎРАҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

ХАБАР

## ТАЛАБАЛАР ФИКРИ

***Андижон давлат тиббиёт институтида бўлиб ўтган семинар диний экстремизм, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка қарши курашга бағишланди.***

Тадбир бўлажак шифокорларни диний экстремизмнинг салбий жиҳатлари билан таништирди. Улардан бири ёш йигитларни гиёҳванд моддалар воситасида қўпорувчилик ишларига жалб этиш ҳисобланади. Семинарда сўзга чиққан ҳуқуқ-тартибот идоралари ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари гиёҳвандликнинг оғир оқибатларидан талабаларни яна бир бор огоҳлантирди.

**"Туркистон-пресс"**

## ҚЎҒИРЧОҚ ЎЙНАЁТГАН КАТТАЛАР

***Самарқанддаги Асрор Жўраев номли вилоят қўғирчоқ театри ўз фаолиятини 1978 йилда бошлаган эди. Ниҳоят орадан чорак аср ўтиб, жамоа бошига галдаги "Бахт қуши" қўнди.***

Ёшлари улуғ бўлса ҳам, кўнгиллари гўдак ижодкорлар янги - 2003 йил байрамида кичкинтой томошабинларга айнан шу номдаги янги спектаклни намойиш этишмоқчи.

Театр жамоаси яқинда Жанубий Кореядан аъло кайфиятда қайтишди. Боиси болажонларни бокира қалб билан сева олган, уларнинг шодон кулгуларига шерик бўлишга қодир актёрлар ана шу мамлакатда ўтказилган жаҳон болалар қўғирчоқ театрлари фестивалида иштирок этишиб, мутлоқ ғолиб бўлдилар.

-Болажонларимиз учун янги йил совғаси бўла оладиган театр томошалари тайёрлашга жиддий киришганмиз, - дейди режиссёр Саидисоқ Азимов. –

ТЕАТР

Дастуримиздан "Бахт қуши" спектаклидан ташқари қизиқарли саҳна кўринишлари, томошабинлар билан ҳамкорликдаги ўйинлар ўрин олган. Байрам шоуларининг турли тилда олиб борилишига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Ҳа, бугунги кун болаларини алдаб бўлмайди. Улар билан худди катталардек муносабатда бўлиш керак. Қўғирчоқ театри жамоасидан эса томошабин болажонлар, уларнинг ота-оналари ҳам хурсанд. Чунки нуфузли халқаро фестивалда дунё болаларининг олқишига сазовор бўлганларнинг ваъдасига ишонса бўлади.

Яна бир гап. Яшириб нима қилдик, бугун жажжи болажонларимиз учун миллий ўйинчоқлар, янги алифбомизда чоп этилган эртак китоблар тақчил бўлиб турган шароитда қўғирчоқ театрларининг фаоллиги жуда-жуда зарур. Шу боисдан болалар театри, қўғирчоқларнинг тилга кириши асло майда мавзу эмас. Бу ҳақда кўп айтишимиз, ёзишимиз керак.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

## ОППОҚ ҚОР ЁҚҚАНДА

(Боши 1-бетда)

Хуллас, икковимизни ҳам шилиб олишди. Энди қўрқиб турардимки, тағин кийим-бошларингни ҳам ечиб бер, демасмикин деб. Менинг эгнимда драп пальтойим бор эди, қўшним эса ичи иссиқ дублёнка кийиб олганди. Икковимизда ҳам қимматбаҳо телпак.

Бос бизга бошдан-оёқ қараб турди-да:

-Энди сизларга рухсат, мана шу кўча билан тўппа-тўғри кетаберсангизлар, катта йўлга чиқиб оласизлар. У ерда ўткинчи машиналар кўп, уйингизга бемалол янги йилгача етказиб қўяди. Машинангизни биз ўзимиз чиқариб оламиз.

Бос нарироқда турган машинага қараб:

-Хўжайин, энди бу ёққа тушинг, мана бу қўлбола мусалласдан бир татиб кўринг, - деб қолди.

Билдимки, машинада Босдан ҳам каттароғи ўтирган экан. Оббо, энди буёғи нима бўлади, хўжайин деганлари яна бир нағма чиқармаса эди, деб хавотирдаман. Қўшним ҳам шу ҳолатда бўлса керак, бир чеккада нафаси чиқмай турарди. Ўйлайман, ёнимизда ярим чақа ҳам пул бўлмаса, чиқиб Тошкентга қадар яёв кетамизми, бунинг устига соат ўн бирга яқинлашиб қолган бўлса. Ҳамма иссиққина уйида янги йил тараддудида, кўчада машиналар бўлиши ҳам гумон. Жаҳлим чиқди, кўнглимдан кўп фикрлар ўтади, аламимдан Босни боплаб миясига туширсам, деб ҳам кўнглимдан ўтказаман. Қани энди каратэ мактабини ўтаган бўлсам, учовини ҳам адабини бериб қўярдим. Ҳақиқатан ҳам бу хўрликлардан шу даражада жаҳлим чиққан эдики, ўлдирсалар ҳам шу аблаҳларни башарасига яхшилаб мушт билан бир туширсам. Қўшнимнинг ҳам жони ҳиқилдоғига келган эди, чамамда. Аммо ўзи олим, бирорта билан уришмаган бўлса, менга ёрдам бера олармиди?

Ғазабим ошиб шундай хаёллар билан турганимда, машинанинг орқа эшиги очилиб, ҳалиги "Хўжайин" деганлари чиқди-да, оғзидаги сигаретани тутатиб, биз томонга қараб кела бошлади. Унинг жуссаси катта, қоринлари чиқиб кетган, бошида қундуз телпак, эгнида чиройли поча пўстин кийиб олган. Келдию, бизга қараб:

-Сизлар кимсизлар ўзи? – сўраб қолди.

-Менинг шу ерда дала боғим бор, қўшним билан мусаллас олгани шу томонларга келган эдик, уйда болалар билан бизни кутиб ўтиришибди, мана бу менинг қўшним. Катта олим, ўзи математик, - дедим.

Хўжайин қоронғида қўшнимга тикилиб қолди, негадир ўзини ўнғайсиз аҳволда қолгандек сездими, қўлидаги сигаретасини жаҳл билан ирғитиб юборди:

Оббо, "Хўжайин"нинг жаҳли чиқиб кетди, энди булардан нажот кутиб бўлмас. Кўриниши яхши одамга ўхшамайди, бу аблаҳ ҳам бошимизга ҳали не савдолар соларкин, деб кўнглимдан ўтказаман. Тағин қаранг, гўё ҳамма нарсага хўжайиндай тутарди ўзини. Қорни чиқиб кетган, маишати яхши бўлса керак.

Шунда бирданига:

-Сиз Мурод акамисиз? – деб қолди.

-Ҳа, Мурод Тўраевич бўламан, - деди қўшним секингина.

-Эй, шуни илгарироқ айтмайсизми, университетда бизга математикадан дарс бергансиз, - дедию, қўшнимни қучоқлаб олди.

-Кечирасиз, танимабмиз, шундай улуғ одамларни кўрганимдан хурсандман, янги йилингиз муборак бўлсин, домлажон!.. Мени эслайсизми, орқадаги партада ўтирар эдим. Исмим Саидбаттол Хўжаев. "Сен илмга ружу қўймайсан, ахир дарс тайёрлаб келсанг бўлмайдими", дер эдингиз. Икки марта имтиҳондан йиқилганман, охир ялинаверганимдан раҳмингиз келиб "уч" қўйиб бергансиз. Кўришган жойимизни қаранг-а. Қани, йигитлар домланинг машинасини тезда чиқариб беринглар, сен аҳмоқлар ҳали менинг домлаларимни таламоқчи бўлдилaрингми, олган нарсаларингни битта қўймай ҳаммасини тезда қайтариб берларинг! – деди.

Хуллас, шоввозлар машинани бир пасда арикдан чиқариб беришди.

-Бу номардлар мусалласингизни икки шишасини ичиб қўйишибди, мени кечиринг, - дея домланинг шогирди Саидбаттол кетма-кет узр сўрарди.

Тўрвада икки шиша мусаллас қолган экан, орқа ўриндиққа олиб бориб солиб қўйишди. Кейин хўжайиннинг ўзи машина эшигини очиб, қўшним билан мени зўр эҳтиром ва ҳурмат билан ўтказиб қўйди.

-Домла, янги йилни яхши ўтказинг, - деди.

Қўшним:

-Сенга ўша вақтда "яхши ўқигин", деган эдим, менинг айтганларимни қилмадинг, баҳоинг ҳақиқатан ҳам "уч" экан, - деди.

Қўшнимни оёғини туртаман: "Бўлди, унақа деманг, қутилдикку, энди тезроқ уйга эсон-омон етиб олайлик", дейман.

Биз уйга етиб келганимизда соат бешта кам ўн икки бўлган эди. Ўша янги йил кечасидаги аянчли воқеани шу дамгача ҳеч кимга айтмадик. Мана, энди вақти-соати келиб қаламга олдим, азиз дўстлар!

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 15 ноябрда Давлат рўйхатига олиниб, Курбонбоев Отаназар Жуманазарович номига берилган № 1107736 рақамли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги хусусий тадбиркор "Курбонбоев Отаназар Жуманазарович"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "Yoqutxon dori-darmon" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 48-10-44.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Хоразм вилояти Боғот тумани "Боғот" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони **Машарип ҚУВОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағатой АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Ҳаким МУТАЛОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ХАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-623, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади - 18.236 нусха

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## АРИ БИР БАҲОНА

***Тўқай қишлоғида яшаган Ғайрат бобо иккинчи жаҳон урушида тўққиз марта турли даражада яраланган экан. Аммо насибаси узилмаганлиги учун уруш тугагач, соғ-омон қариндош-уруғлари билан дийдор кўришиш шарафига муяссар бўлади.***

Умрининг қолган қисмида деҳқончилик билан шуғулланади. Ниҳоятда чайир ва бақувват бўлган бу инсоннинг меҳнат қилишига ҳамма ҳавас қиларди. Чунки жуда қаттиқ ишласа-да, чарчоқ нималигини билмасди.

Бир куни бобо боғидаги тахта сўрида ўтирганида қаердандир бир қизил ари учиб келиб, бўйнидан чақади. Ғайрат бобо бир неча сонияда жон беради.

Шуни айтсалар керак-да, инсон ажали нимадан бўлишини билмайди, деб. Бўлмаса, бобога душманнинг шунча ўқи таъсир қилмай кичкинагина арининг чақишидан ўлармиди?

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

## АЖАЛИ ЕТМАСА...

***- Урушда не ишларни кўрмадик, - ҳикоя қилади Мусақул бува. - Шундай воқеалар борки, латифага ўхшайди, айтсангиз биров ишонмайди.***

Ўрмонда бир асирни олиб, сайхонликка ҳайдаб чиқдик. Фарғоналик Мамажоннинг қўлини тишлаб олган экан, жон аччиғидан бир тепиб юборди.

Ана шунда ақл бовар қилмас ҳодиса рўй берди, оёқларимиз остида юмалаб ётган душман ўрнидан турдида, ўрмоннинг ичкарисига қочиб қолди. Шундай тез чопардики, хаш-паш дегунча қалин бутазорга яқинлашиб қолди. Ўттиз чоғли одамнинг қўлида қанча қурол бўлса, бари ишга тушди...

Лаънати йиқилмади, ўқдай учиб ўрмонга кириб, кўздан ғойиб бўлди. Бизга ниҳоятда алам қилди, ортидан бориб, ҳамма ёқни тита-питасини чиқариб юбордик. На ўлиги, на тириги топилди. Командир ҳисоблаб кўрибди, ёлғиз душманга тўрт юзга яқин ўқ отиб, биттасиям тегмабди. Ҳолбуки орадаги масофа жуда яқин эди. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етмаган ўлмайди, деганларини ўшанда кўрганман.

**Рустамжон УММАТОВ**

## ЕТИМНИНГ ҲАҚИ

***Шодиқул Россияга қатнаб, савдо қилади. Топиш-тутиши яхши, иккита "КамАЗ", битта "Мерседес-600" русумли машиналари бор. Йигит қурмагурнинг ҳам хотини иккита эканлигига нима дейсиз. Босар-тусарини билмай қолганми, ҳарқалай, уйидаги гулдек хотинининг устига рус аёлига ҳам уйланиб олибди.***

Ўтган йилнинг март ойлари эди. Шодиқул Новосибирскка икки машина эртаки помидор олиб борадиган бўлди. Уйма-уй юриб, помидор йиғди. Кимларгадир нақд тўлади, кимлардандир насияга олди. Хуллас, мўмай даромад орттириш учун тиним билмади. "Индинга кетамиз..." деган кун қўшниси Сарви хола уни йўқлаб келди.

- Болам, -деди рўмолчага тугилган пулларни унинг олдига сураркан. – Азимжонимга ўзиюрар арава олмоқчийдим. У ёқларда арзон дейишади. Агар малол келмаса, қайтишингда битта аравача олиб келиб берсанг...

Азимжон Сарви холанинг ёлғиз боласи. Бечора туғма фалаж... Ўн беш йилдан буён шифтга термулиб ётади. Сарви холанинг ундан бошқа хеч кими йўқ.

- Майли, -деди Шодиқул пулни олиб. –Вақтим бўлса, қидириб кўрарман...

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, қишлоққа "Шодиқулни "чув" туширишибди. Иккала "КамАЗ"ини ҳам сотиб қарз тўлабди", қабиладаги миш-миш оралади. Насияга мол берганлар типирчилаб қолишди. Аммо, Шодиқул уйига телеграмма жўнатиб, "Мерседес"ни сотишни ва рўйхатда кўрсатилган одамлардан қарзларини узишни айтиб юборибди. Унинг укалари елиб-югуриб айтганини қилишди. Ортиб қолган пулга битта "Тико" олиб қўйишни ҳам унитишмади.

Яна бирор ойлардан сўнг Шодиқул қишлоққа қайтди. Ўша куни кечқурун Сарви хола ўзиюрар аравачасини опкетиш илинжида уникига келди. Аммо...

- Қанақа аравача, қанақа пул?! –деди Шодиқул "ажабланиб". – Кимга туҳмат қиляпсиз? Уят эмасми? Ким кўрибди менга пул берганингизни?! Гувоҳингиз борми? Билиб қўйинг, бунақа туҳмат учун тегишли жойда жавоб беришингизга тўғри келади, ҳа, тўғри келади...

Сарви хола кутилмаган муомаладан анграйиб қолди. Кейин... ялинди-ёлворди, бироқ барибир Шодиқул ундан аравача олиб келиб бериш учун пул олганини "эслолмади".

- Илоҳо омин, - деди қиблага қўл очиб хола бечора. - Етимнинг ҳақига кўз олайтирганнинг жазосини ўзинг бер, ногирон боламнинг уволи тутсин, оллоҳу акбар...

Кўп ўтмай, Шодиқул "Тико"да кетаётиб, фалокатга учради. Тирик қолди, лекин...

## ЧИРОҚ ЎЧСА, АЙБ МЕЗБОНДАМИ ?

***Шомамат меҳмондўст йигит. Уйидан одам аримайди. Қачон қараманг, бир-икки улфати билан "гаплашиб" ўтирганини кўрасиз. Қўли очиқ бўлгани учунми, йўли ҳам очиқ, топиш-тутиши ҳавас қилгулик...***

Яқинда уни шаҳар касалхонасида кўриб қолдим. Ўнг қўлини дока билан ўраб олибди. Афтини бужмайтирганча, шифокор қабулхонасидаги курсида ўтирарди. Мени кўриб, суюниб кетди.

- Қўлга нима қилди? – деб сўрадим кўришиб бўлганимиздан сўнг.

- Э, сиз сўраманг, мен айтмай, - деди у кафтини эҳтиётлаб силаб. – Янги йилни бирга кутиш учун жўраларимни уйга чақиргандим. Едик, ичдик, хуллас, жудаям зўр ўтирдик. Янги йил киришига икки соатча қолганида қозон кабобни тайёрлаб опкирдим. "Қани, олларинг," дейман, бирови қарамайди. Ҳаммаси "қорни дўмбира бўлиб кетган"ини баҳона қилади. Ўзимга таъсир қилди. Секин ташқарига чиқдим. Хотинимга "мен икки марта қаттиқ йўталганимдан кейин чироқни счётчикдан ўчириб қўясан" деб тайинлаб, ичкарига қайтдим. Ўзимча бир буларни боплай, деб қўйгандим-да... Чироқ ўчиши билан лагандаги ҳамма гўштни паққос тушириб, чироқ ёнгандан кейин уларга "тўнкамоқчи" эдим. Икки марта йўталишим билан, келинингиз маладес, шартта чироқни ўчирди.

- Эй, чатоқ бўлди-ку, -деб туриб, лаганга қўл чўздим. Бир вақт қўлим зинғиллаб, кўзимдан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Додлаб юбордим. Хотиним ҳали пастга тушмаган шекилли, дарров чироқни ёқди. Қарасам, иккита меҳмоним ҳам қўлида санчқи тутиб турибди...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ЁРДАМИ

***АҚШ ҳукумати 1992 йилдан буён Ўзбекистонга ёрдам дастурларини молиялаштириш учун 508 миллион долларга яқин маблағ ажратди. Бу ҳақда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасидан "Туркистон-пресс"га маълум қилинди.***

1992 йилдан 2002 йилгача АҚШ мудофаа вазирлиги ва хусусий ташкилотлар орқали Ўзбекистонга 266 миллион доллар миқдорида инсонпарварлик товарлари келтирилди.

2002 йилда АҚШ ҳукуматининг барча муассасалари томонидан 220 миллион доллардан зиёд маблағ Ўзбекистондаги ёрдам дастурларига ажратилди. Бундан 45,5 миллион доллари ижтимоий хизматлар, 10,9 миллион доллари бозор ислоҳотлари, 79 миллион доллари хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот идораларига, 53,1 миллион доллари инсонпарварлик ёрдами сифатида, 5,5 миллион доллари жойлардаги ривожланиш дастури учун ажратилди.

2002 молиявий йилда барқарорлик ва хавфсизлик, террорчилик, наркотиклар савдоси, қурол-яроқларни тарқатиш, қашшоқлик каби таҳдидларни бартараф этишни молиялаштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилди.

Демократия соҳасидаги дастурлар демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича академик ва профессионал алмашувлар дастури доирасида узоқ истиқболни қўллаб-қувватлашни кўзда тутади. 1993 йилдан бошлаб АҚШ ҳукумати АҚШ да алмашув дастурларида бўлган юз минглаб Ўзбекистон фуқароларига молиявий ёрдам кўрсатди. Жорий йилда АҚШ тадбиркорлар ва профессионаллар учун "Ижтимоий алоқалар" дастурини очиб, "Бўлғуси етакчилар" алмашув дастурида иштирок этувчи юқори синф ўқувчилари ва битирувчилари сонини кўпайтириб, алмашув дастурларини молиялаштиришни анча кенгайтирди.

АҚШ ҳукумати фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ахборотларга киришни кенгайтириш ва судлар мустақиллигини кенгайтириш, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларни кучайтириш, чекка қишлоқлардаги аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, интернетга кириш, ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик таълими каби дастурларни ҳам қўллаб-қувватламоқда. 2002 молиявий йилда бошланган ижтимоий ҳаракатлар инвестиция дастури зиддиятлар мавжуд ҳудудлардаги кескинликни юмшатишга йўналтирилди. Дастурнинг мақсади аҳолига маҳаллий муаммоларни ечишда кўмаклашиб, уларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашдан иборат. У маҳаллий инфратузилмаларни ривожлантиришда кичик лойиҳаларни кенг жамоатчилик иштирокида ҳал этишга ёрдам беради.

Базавий таълимни мустаҳкамлаш дастури базавий таълим соҳасида пасайишни тўхтатишга, ўқувчиларга фуқаролик ва меҳнат кўникмаларини ўргатишга ёрдам беряпти. Ушбу дастур бўйича ўқувчилар ўқитишнинг интерактив усулларини ўргатади, шунингдек у ота-оналар ва жамоатчиликни кўпроқ жалб этишни, ўқув муассасалари бошқарув имкониятларини мустаҳкамлашни ва мактаб инфратузилмасини қамраб олади.

2002 йилнинг августида давлат департаменти Мудофаа вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг Фарғона водийсида шифохоналарни замонавийлаштириш юзасидан 53 миллион доллар миқдоридаги лойиҳани амалга оширди. Давлат департаментининг инсонпарварлик товарлари 2002 молиявий йилда 116 миллион доллардан ошди. Шунингдек, Ўзбекистон жорий йилда АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлигидан 2 та ҳукуматлараро дастур ва иккита хусусий ташкилот дастури бўйича 48 миллион долларлик озиқ-овқат ёрдами олди. Ушбу дастурлар натижасида мамлакатга 100 минг тонна озиқ-овқат товарлари келтирилди.

**"Туркистон-пресс"**



**Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани "Жейнов" ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Жейнов" сутни қайта ишлаш корхонасининг ишга туширилганига қарийб уч йил бўлаяпти. Умумий қиймати 385 минг АҚШ долларига баҳоланувчи мазкур корхона ўзини тўла-тўкис оқлади, десак муболаға бўлмас. Айни дамда бу ерда 12 хилдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Корхона маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.**

**СУРАТДА: корхона ишчилари Искандар Оллобердиев ва Олия Нурматовалар ўзаро фикр алмашаяптилар.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛДИ

***Юртимизга сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Жисмоний шахслар томонидан республикамиз ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги 154-сонли қарори эълон қилингани бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.***

**БОЖХОНА**

Аҳоли ўртасида мазкур қарор юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан, ҳанузгача айрим "ишбилармонлар" томонидан қарор ижроси қўпол тарзда бузилмоқда. Улар ўзларининг бу ҳаракатлари билан юрт тараққиётига ғов бўлаётганликларини, қолаверса, ватандошлари саломатлигини хавф остига қўйишаётганликларини англаб етишмаётир.

Яқинда Андижон вилояти божхона бошқармасининг контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари томонидан кўп миқдордаги, сифати кафолатланмаган дори-дармонларни юртимизга олиб ўтишга уринган дорифурушларнинг қилмишлари фош этилди. Олтинкўл шаҳарчаси яқинидаги айланма йўллар бўйлаб ҳаракатланаётган "КаМАЗ" 5312 русумли юк машинаси тўхтатилганда, унинг юкхонасида "тадбиркорлар" Тожигул Абдуллаева ва бошқаларга тегишли бўлган, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами миқдори 12 миллион сўмлик миқдордаги чет элда ишлаб чиқарилган товарлар борлиги аниқланди. Ачинарлиси шундаки, мазкур товарлар орасида ҳеч қандай ҳужжатсиз – сифати кафолатланмаган кўп миқдордаги дори-дамонларнинг борлиги ҳам маълум бўлди. Жумладан, Россияда ишлаб чиқарилган 2 минг 183 қути "Аллахол" таблеткаси, 15 ўрам "Вермизол" хапдориси, 2 минг дона "Фуродонин" таблеткаси, 3 минг 100 қути "Ампицилин тригидрад", 1000 қути "Уголактивированный" таблеткаси, 3 минг 500 дона "Тетрациклин" малҳами, 240 дона "Эргокальцифирол" суюқлиги, 14 минг 400 грамм Вещневский порошогига ўхшаш кукун мавжудлиги аниқланди. Энг асосийси, бу каби сифати кафолатланмаган дори-дармонларнинг, шифо топиш илинжида юрган юртдошларимиз қўлига етиб боришининг олди олинди.

Шунингдек, бундай ноқонуний ҳолатлар яқинда Сирдарё вилояти 2-сонли "Наврўзобод" божхона пости ходимлари томонидан ҳам аниқланди. Божхоначилар кўзини шамғалат қилиб, сифатига ҳеч ким кафолат бермайдиган дори-дармонларни велосипедда юртимиз сарҳадларига олиб ўтишга уринган республикамиз фуқаросининг қилмишлари хушёр посбонлар томонидан фош этилди. Пост яқинидаги айланма йўл орқали Р.Абдусаломовга тегишли "Урал" русумли велосипедда кетаётган йўловчининг юклари текширилганда, республикамиз фуқароси Т.Тоғаевга тегишли бўлган 4 та қопда сифати кафолатланмаган 4 хил турдаги 36 қути 14 минг 400 сўмлик 0,5 фоизли "Новокаин", 335 минг сўмлик 6700 қути 0,5 фоизли "Аналгин", 250 минг сўмлик 5 минг қути 0,2 граммли "Парацитамол" дориси, шунингдек, 650 минг сўмлик "Цитрамон-П" дорилари борлиги аниқланди. Юк эгасининг айтишича, у мазкур юкни Тожикистон Республикаси, Зафаробод туманидаги бозордан 1 миллион 249 минг 400 сўмга сотиб олган экан.

Ачинарлиси шундаки, мазкур хавфли юк эгалари ўзлари харид қилиб, республикамизга олиб кирмоқчи бўлган мазкур сифати кафолатланмаган дори-дармонларнинг ўз юртдошлари, янада аниқроқ қилиб айтганда, ўз жигарларининг дардларига шифо бўлиши ўрнига улар хасталигини янада оғирлаштириб юбориши мумкинлигини ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаган.

**Нурбек САЛОМОВ**

# ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТАЁТГАН ЗИЁЛИ

(Боши 1-бетда)

Бир неча йил олдин марказий газеталарнинг бирида "профессор қишлоққа қайтди", деган хабар босилган эди. Унда Самарқанд тиббиёт институти профессори, мамлакатга танилган жарроҳ Ҳамроқул Ҳамдамовнинг туғилиб ўсган қишлоғидаги шифохонада ишлаётгани ҳақида ҳикоя қилинган. Энди нима дейсиз?

Менинг ўжар мубоҳисим, "ҳар қандай тамойилда ҳам истисно бор, бир-икки киши қайтган бўлса қайтгандир, бу билан дунёдаги урбанизация (шаҳарларга интилиш) жараёнини тўхтатиб бўлмайди", дея эътироз билдиришдан чарчамайди.

Дарҳақиқат, урбанизация, глобаллашув, метрополия ва мегополислар ҳақида соатлаб баҳслашиш мумкин. Аммо бундан бугунги ўзбек қишлоғининг муаммоларидан ақалли бирортаси ҳал бўлиб қолмайди-да. Улар эса бор. Анчамунча. Шулардан бири қишлоқда маданият ва маърифатни сақлаш ва ривожлантириш. Маданият ва маърифат, деганлари анча кенг тушунчалар. Уларнинг замирида адабиёт ҳам, санъат ҳам, спорт ҳам хуллас, инсон жисми, қалби, руҳияти билан боғлиқ бутун бир силсила мужассам.

Истиқлолдан аввал коммунистик мафкура қишлоқ билан шаҳарнинг тафовутини камайтириш, хутор тизимини тугатиш асосида қишлоқларнинг маданиятини ошириш ҳақида айюҳаннос солиб келди.

Амалда Ўзбекистоннинг ўзига каттароқ бир қишлоқ деб қаралarди, десам муболаға бўлмас. Ошириб юборган бўлсам узр, албатта. Ҳар ҳолда, мустақил Ўзбекистон аҳолисининг олтмиш фоиздан кўп қисми қишлоқларда яшаб келаётгани, шунга мутаносиб равишда аҳолининг етмиш фоизга яқини қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётгани фахрланиб гапириладиган рақамлар эмас. Чунки ривожланган мамлакатларда бу тармоқда банд бўлганлар сони уч-тўрт фоиздан ошмас экан. Ҳамонки, биз ривожланган мамлакатлар сафига интилаётган эканмиз, қишлоқ хўжалигида ҳам ислоҳотлар ўтказаётган эканмиз, қишлоқ аҳолисининг анчагина қисмига қишлоқ торлик қилиб қолаётгани тасодифий ҳол эмас. Табиийки, мутараққий мамлакатлардаги сингари қишлоқ аҳлининг қишлоқ хўжалигидан бўшаган қисми хизмат соҳасига, тадбиркорликка, бошқа тармоқларга ўтиши ҳам қонуний ҳодиса. У эврилишлар, ислоҳотларда кўзда тутилган ва бу жараён қийинчилик билан бўлса-да, изчил давом этмоқда.

Шунга қарамасдан қишлоқлар аҳолисининг анчагина қисми гоҳ қонуний, гоҳ ноқонуний шаҳарларга, ҳатто бошқа мамлакатларга ишлашга кетаётганлардан кўз юмиш мумкин эмас. Бу ҳодисадан бир қадар ташвишлансак-да, ҳар қалай, ўзбекларда айниқса кучли бўлган бир туйғунинг мавжудлигини билганимиз учун дилимизга таскин берамиз.

Бу – она юртга, киндик қони томган заминга мустаҳкам бир маънавий ришталар ила боғланганлик туйғуси. Бинобарин бугун Қашқадарёнинг чанг-тўзонли узоқ чўлидаги ёинки, Фарғонанинг сўлим хушҳаво тоғлари бағридаги қишлоқдан чиқиб шаҳарларда ва ҳатто узоқ элларда ризқ излаб юрганларнинг ҳам "қайтиб келмоқ учун кетганлар" эканини тушунамиз. Қолаверса, қанчаси уч-тўрт танга топиб келиб, қишлоғидаги тирикчилигини юргизаётганини, "ўз иши"ни очиб, тадбиркорлик қилаётганини ҳам кўриб юрибмиз. Ҳатто... Адашиб, бошқа йўлларга кирганларнинг ҳам аксарияти кўзлари очилиб, хатоларини тушуниб, тинч ҳаёт, осойишта меҳнат оғушига қайтаётгани бор гап.

Аслини олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самараларини тобора равшанроқ кўрсатаётир. Ўзга элларда саргардон бўлмасдан жонажон тупроқда янгича яшаб, янгича ишлаб, яхши даромад кўраётганлар бисёр.

Қисқа қилиб айтганда, ҳаёт давом этмоқда, ислоҳотлар жараёни чуқурлашаётир ва шубҳасиз, қишлоқда табиий танланиш, сараланиш асосида янги мулк, янги турмуш, янги онг шаклланиши муқаррар бўлиб қолди.

Бас шундай экан, хавотир чекиб, муаммо излашга ҳожат борми? Бор.

Республикамиз Президенти халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқида шундай деди:

"Мен бугун ёшларимизга қарата, ҳаётни ўрганинглар, фақат пойтахтда яшаб, ишлашни мўлжалламасдан Сирдарёга, Жиззахга, Хоразм ва Қашқадарёга ҳам боринглар, деб мурожаат қилмоқчиман".

Дарҳақиқат, ёшларда, айниқса, ёш зиёлиларда бугун марказга интилиш туйғуси кучли. Бунинг асосий сабаби эҳтимол бояги қонуният ва тамойиллар билан изоҳланар. Лекин, афсуски, бошқа сабаблар ҳам бор.

Қўлимизни кўксимизга қўйиб, холис гапирадиган бўлсак, жамиятдаги эврилишлар қишлоққа анча оғриқли таъсир ўтказганидан кўз юмиш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш аввал-азалдан томорқасида маҳсулот етиштириб, мол-қўй қилиб юрган деҳқон ва чорвадор учун бир қадар силлиқроқ кечаётганини ҳамма билади. Давлатнинг ойлигига суяниб қолган зиёли эса анча-мунча мураккаб аҳволга тушди. Бу – айни ҳақиқат.

Очиғини айтганда, турмуш қийинчиликларидан зада қишлоқ зиёлисининг ҳасрату надоматлари ёшларни кўпроқ шаҳарларга интилишига бўлаётган сабаблардан бирига ўхшайди. Олтмишинчи йилларда бошланғич синфда дарс берган бир ўқитувчимиз болаларни "агар яхши ўқимасанг, шаҳарга бориб, ўқишга киролмайсан, чўпон бўлиб қишлоқда қолиб кетасан", деб қўрқитарди. У ҳазиллашарди, албатта. Лекин ҳар қандай ҳазилнинг тагида зил бор эди. Нега қишлоқ одами қишлоқ боласини қишлоқда қолиб кетиш билан қўрқитган? Бунинг жавоби илгари замона мазмуни билан боғлиқ эди, албатта. Совет тизими бизда "қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутларни йўқотиш" ҳақида гапирса ҳам, аслида одамларни икки тоифага - шаҳарлик ва қишлоқликка бўлиш сиёсатини олиб борарди. Шаҳарга қизил салтанат тилида гапирувчи, унга хизмат қилувчиларни саралаб йиғишга, қишлоқда эса арзон хомашё етиштирувчи, тирикчилик ташвишидан бошқа нарсани ўйлаши шарт бўлмаган тоифани сақлашга интиларди. Қишлоқ аҳлига газ, тоза ичимлик суви сингари қулайликларни яратишга унча шошилмас, "қора чироқ"дан халос қилдик, шунисига шукр қилинглар" қабилида иш тутарди. Оқибатда Газлининг гази юзлаб-минглаб қишлоқлар биқинидан ўтса ҳам уларга тўхтамай Уралга кетарди. Бугун замон бошқача, шаҳарлик ҳам, қишлоқлик ҳам бир тилда, ўз она тилида сўзлайди. Аҳолини икки табақага бўлишнинг ҳожати йўқ. Ўз юртимизга ўзимиз хўжайинмиз. Қишлоқда газ, сув муаммолари ҳам ҳал этилмоқда, гарчанд қишда камайиб, электр онда-сонда ўчиб турса ҳам, бу энди ўзимизнинг ички, ҳал этса бўладиган муаммоларимиз.

Осон ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо эса онгимиз, шууримизда. Қишлоққа "қишлоқ" деб қараш сақланиб қолганида. Шу боис шаҳардаги супермаркетда сотиладиган "Сникерс"ни қишлоқ дўконидан ҳам бемалол харид қилиш, йўлдошли антенна ўрнатиб ёки интернет тармоғига уланиб дунёнинг исталган бурчагига қишлоқдан туриб ҳам нигоҳ ташлаш мумкин эса-да, биз шаҳарга интиламиз. Шаҳарда, ҳали айтганимиздек, пул топиш, кун кўриш осонроқ, деб ўйлаймиз. Қишлоққа эса асосан ўқишларда нисбатан ўртачароқ, ёмонроқ ўқиган, шаҳардан иш тополмаган йигит-қизлар қайтади.

Бу муаммо янги эмас-ку, деб эътироз билдирарсиз. Тўғри. Аммо ўша эски ва мудом янгиланиб бораётган, янгича шаклларда намоён бўлаётган муаммони ечиш пайти келганлигини англаб турибмиз. Зеро, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, маърифий жиҳатдан марказ ва вилоятларнинг мутаносиб ҳамда барқарор ривожланиши, пировард натижада бутун мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир.

Мамлакатимиз раҳбарияти вилоятлар, туманларда хорижий инвестициялар жалб қилиш, қўшма корхоналар очиш ва шу асосда рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб, дунё бозорига чиқиш заруратини такрор-такрор уқтирмоқда. Қўшма корхонага эга бўлмаган, экспорт билан шуғулланишга интилмаган ҳудуднинг келажаги йўқ, дея таъкидланмоқда. Жудаям тўғри таъкид. Аммо шуниси ҳам аниқки, муайян инфратузилмага, салоҳиятга эга бўлмаган шаҳар, туман, қишлоққа хорижий инвестор келмайди. Келса ҳам узоқ турмайди.

Айтганча, олий таълим муассасалари битирувчиларини вилоятлар, туманларга мажбурий тақсимот асосида жўнатиш тажрибаси ҳам ўша жойларда ёш мутахассиснинг яшаши, ишлаши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирдагина ўзини оқлаши мумкин. Акс ҳолда иқтидорли мутахассис бир йил-икки йил ишлаб, пойтахтга кўчиш тараддудига тушади.

Албатта, бу борада ҳукумат томонидан умумдавлат аҳамиятига эга бўлган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўрта махсус таълим тизимининг тубдан янгиланаётгани, шаҳар ва қишлоқларда муҳташам коллеж ва лицейлар қад ростлагани, улар замонавий таълим ускуналари, компьютерлар билан жиҳозланаётгани улуғ иш бўлди. Республика миқёсида болалар, ўсмирлар, талаба ёшларнинг спорт ўйинлари навбати билан ҳар бир вилоятда ўтказилаётгани, шубҳасиз, жойларда спорт, маданий-маърифий инфратузилма ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги-янги стадионлар, маданият саройлари барпо этилди. Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақидаги Фармони бу ишларни янада кучайтиради, албатта.

Миллий маданиятимиз, спортимизнинг тарихий анъаналарини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбек кураши халқаро майдонга чиқди. Кўпкари бўйича яқинда Жиззахда биринчи мамлакат чемпионати ўтказилди.

Янги йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳам муҳим бир йўналишда улкан миқёсдаги ишларга йўл очиши аниқ. Бу борадаги дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузиш тўғрисида Президент Фармойиши эълон қилинди.

Хуллас, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Бироқ... Маърифат ва маданият аҳлининг, оддий қилиб айтганда, зиёлиларимизнинг саъй-ҳаракати, ташаббускорлиги, фидокорлиги шунга мутаносибми? Биргина мисол:

Ҳали айтганимиздек,бугун қишлоқларимизнинг аксариятида кўпқаватли, бағоят гўзал ва муҳташам коллеж ва лицейлар қурилди. Уларни кўриб кўз қувнайди. Йирик шаҳарлардаги олий таълим даргоҳларидан сира қолишмайди. Замонавий ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Аммо... уларнинг барчаси етук мутахассислар билан таъминланаяптими? Усти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлиб қолмаяптими? Уларга яна ўша дарсини чала-чулпа ўтиб юрадиган, мактабга калиш кийиб келиб, синфда писта чақиб ўтирадиган ярим муаллимлар кириб қолмаяптими?

Қатор йиллардан бери мамлакатда қишлоқ врачлик масканлари қуриш ҳаракати фаол давом этмоқда. Кўплаб шинам тиббий масканлар барпо бўлмоқда. Уларда-чи, билимдон, ташхисни аниқ қўйиб, муолажани тўғри тайинлайдиган малакали шифокорлар етарлими?

Шубҳасиз, Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги Фармони ижроси жараёнида қишлоқларда кўплаб стадионлар, спорт саройлари, сузиш ҳавзалари қурилади. Айни пайтда улардан моҳирона истифода этадиган чинакам спорт фидойиларини жалб этишни ҳам унутмаслигимиз лозим, албатта.

Бир сўз билан айтганда, қишлоққа етук мутахассис, маърифатпарвар зиёли инсонларни кўпроқ жалб қилиш, борларини асраб-авайлаш ғоят долзарб масала. Тўғри. Қишлоқ муаллимлари орасида дарсини ҳам пишиқ-пухта ўтиб, тирикчилигини ҳам яхши юргизаётганлари кўп. "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг ўтган йил 12 ноябр сонида "Тадбиркор муаллим" сарлавҳали лавҳа босилди. Унда ғиждувонлик ўқитувчи Абдурозиқ Рашидов ҳар йили томорқасида 150 минг туп помидор кўчати ва бошқа маҳсулотлар етиштириб, яхши фойда кўраётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Қизиғи шундаки, ундан ибрат олган қишлоқдошлари, муҳандис Ш.Ҳомидов, иқтисодчи А.Раззоқов ва бошқа зиёлилар ҳам деҳқончиликни иккинчи касб қилиб салмоқли даромад олишаётган экан. Бундай мисолларни мамлакатимизнинг исталган бурчидан, истаганча келтиришимиз мумкин. Деҳқон халқмиз. Ерга тармашсак ҳар ҳолда оч қолмаймиз. Бинобарин... Қишлоқ зиёлисининг деҳқончилик, чорвачилик, борингки, тижорат қилиб қўшимча даромад қилаётгани яхши албатта. Лекин... У қўшимча даромад топиш учун сарфлаётган вақтини ўз билими, касб маҳоратини янада оширишга, хориждаги юксак технологиялар, илғор тажрибаларни ўрганишга ва... маданий ҳордиқ ёзишга, спорт билан шуғулланишга бағишласа-ку, бундан ҳам яхши бўларди. Майли, у кунларга ҳам етармиз. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Ҳозирча эса...

Ҳозир ҳам шунга ҳаракат қилаётган, қийинчиликларга чидаётган, уларни енга олаётган, шу асосда қишлоқларимиздаги маърифий, маданий салоҳиятни сақлаб, имкон қадар кучайтириб, ривожлантириб, эртанги кунларга ёруғ умид билан яшаётган, ёш авлод қалбига эзгулик уруғларини экиб, ундираётган заҳматкаш, фидокор зиёлилар бор. Истак шуки, улар сафи камаймасин, кўпайсин.

Қишлоққа қайтаётган зиёли... шаҳарда ишга жойлашолмагани учун эмас, қалбининг, виждонининг амри билан келаётган, қишлоқда шаҳардан қолишмайдиган, керак бўлса, ундан-да баландроқ савияда ишлайдиган, таълим берадиган, кашфиётлар очадиган зиёли бўлсин.

Зиёли-зиё таратувчи, нур сочувчи инсон. Нур сочмоқ учун эса ёнмоқ керак. Зотан, "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак", деган даъват шунчаки баландпарвоз шиор эмас. У даставвал зиёлиларга аталган. У бугунги ҳаётимизнинг мантиқий зарурати. Демак, бугуннинг асл зиёлисини ёнаётган шамга, йўқ... мудом ёнадиган Шамсга ўхшатсак арзийди. Унинг нури асло сўнмасин.

**Ҳабиб ТЕМИР**

# САҲРО МЎЪЖИЗАСИ

(Боши 1-бетда)

-Ҳа-я, сизга айтмадимми? - деди Ҳайит ака. – Мавжуд 238 минг 835 гектар яйловларнинг салкам 20 минг гектарини худди мана шундай саксовулзор ташкил этади. Биласизми, саксовулзор – бизнинг энг қийин дамлардаги озуқа базамиз. Яйловлар қалин қор билан қопланса – қўй отарлари ана шу ёққа ҳайдалади. 1999-2000 йиллардаги қурғоқчилик пайтида ҳам саксовулзор жонимизга оро кирди. Шу боис саксовулзорлар майдонини ҳар йили кенгайтириб бораяпмиз. Қум, қум барханларини тутиб қолишда ҳимоя вазифасини бажариши эса унинг иккинчи мўъжизаси.

Муборак даштлари – ростдан ҳам Аллоҳнинг назари тушган жой. Сурув-сурув қўйлар отари, отлар уюри, туялар тўдаси. Қор кўрпаси яйловни оқартира бошлади. Узоқ-узоқлардаги манзара – шувоқ ва ёнтоқларнинг оқариб-қорайиб кўриниши худди қўйлар сурувига ўхшайди.

-Қор – қишнинг зийнати, - деди Шомурод ака суҳбатнинг энг қизиқ жойидан гап очиб. – Яйловлар учун барака инадиган фасл. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Иқтисодий қудратимиз эса табиатга, унинг эҳсонига боғлиқ.

-Бу ерлар Мўминқум қўши деб аталади, - дейди раис. – Қўш, бу қўйчивонларнинг қишлов жойи дегани...

Адирларда бир сурув қўй кўринди.

Қўйчивонлар билан танишамиз. Бу ерлар Муродулла бобо Авезовга қарашли бўлиб, у киши 900 бош қўй-қўзиларни парваришлаб, туёқ сонини кўпайтириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишловни намунали ўтказиш ниятида экан. Муродулла бобо салкам 50 йил қўй боққан. Ҳозир ҳам ўғилларига маслаҳатгўй. Сулаймон Авазов – пудрат етакчиси, аниқроғи, бош чўпон. Акаси Шаҳриёр, тажрибали чорвадор Суюн Қарриевлар унга ёрдам беришаётир.

-48 йилдан буён маконим ана шу кенг яйлов, - деди Суюн ака. – Эсимни танибманки, қўй изидан юраман. Яратганга шукрки, ўтган умримдан ҳам, ҳаётимдан ҳам, берилган ризқ-рўздан ҳам норози эмасман. Орзуларимнинг барчасига эришдим.

Суюн ака бу йил 64 ёшни қаршилабди. Аммо, кўринишидан у кишини ҳеч ким "қария" демайди. Икки юзи қип-қизил, чайир, яйлов кишиларига хос содда, аммо, ёшига нисбатан анча абжир. Қарлиқ қишлоғидан экан. Ширин лаҳжада сўзлашиши ҳам унинг азалий чорвадорлик касбига ўзига хос салобат касб этгандек туюлади. Елкасига ташлаб олган юнг чакмони-ю қўлидаги йўғон таёғи – Суюн чўпоннинг чинакам чорвадорлигидан унсиз ҳикоя қилади кишига.

-Бу ерларда шўра кўп экан, ҳушёр бўл, машина сирғалади, - деди раис ҳайдовчисига.

Ростдан ҳам, юлғун ўсган ердан ўтар эканмиз, қора шўр – қорни ҳам, музни ҳам ўзига сингдирганки, лойда юриш анча қийинлашди. Биз минган "Уазик" машинасини бежизга "танка" деб аташмаганини янада яхшироқ ҳис қилдик.

Узоқда қор орасидан қорайиб қишлоқ кўринди.

-Бу чўпонлар овули, - деди ҳамроҳимиз, - Ўтрор деб юритилади.

Ўтрор – ферманинг жойи экан. 30 тача чўпон уйи, бошланғич мактаб, савдо дўкони, дўхтирхона жойлашган. Бир томонда, 10 та отар учун 2 йилга етадиган озуқа базаси – табиий хашак жамғарилган. Қишда, атроф оппоқ қор билан қопланганда Ўтрор шундай манзара касб этадики, боққан кўз қувнайди. Ўз навбатида, чорвадорлик касбининг барча қийинчилик ва машаққатлари ҳам яққол намоён бўлади.

Ёнбош, Эшонработ, Пирназар, Қўшработ яйловларида ҳам қиш зийнати ўз сепини ёйган.

Сафаримиз давом этади. Чори Норбоев бош чўпонлик қилаётган қўшга тўхтаймиз. Қўра, качарлар яхшигина таъмирдан чиқарилган. Чўпон уйи олдида тарвақайлаб ўсган бир дона саксовул – қишда ҳам чиройли кўринади. Шохлари қор билан қопланган "чўл маликаси" худди оппоқ ҳарир кўйлак кийган эртакдаги маликаларни эслатади. Уйлардаги чўян печларда эса гуриллаб олов ёнади.

-Қиш қийнамаяптими? – сўрайман уларнинг заҳматкаш юртдошларимиз эканлигидан фахрланиб.

Чўпонлар бир-бирларига маънодор боқишади. Сезадики, йилнинг бундай серёғин келиши улар учун фақатгина хурсандчилик олиб келади.

-Э, нимасини айтасиз, - деди Чори ака. – Биз табиат одамларимиз. Табиатдан эҳсон кутиб яшаймиз.Қўй, шундай жониворки, уни кеча-ю кундуз ҳайдаб туриш керак. Гарчи, ёнтоқ, шувоқ, хас-хашакларни қор босса-да, у ўз улушини топиб озиқланади. Совуққа чидамли. Аммо, қўйнинг изидан юрган чўпоннинг жони унинг туёғидан қаттиқ бўлиши даркор.

Яйлов – чўпонлар макони.

Ана шу дала-даштларда қўй боқиб, об-ҳаво инжиқликларига дош беришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун чорвадордан метин ирода, сабот, энг асосийси, ўз касбига садоқат керак. Муборак қоракўлчилигида эса ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Холмаҳмат Махтимов, Ислом Оймаматов, Ёлқин Барноев, Салим Жумаев, Авғон Эргашев каби оилавий пудрат етакчилари – бош чўпонлар қиш аёзи, саратон жазирамаси, чўлдаги довул, Афғон шамоли, қум тўфони демасдан эл маъмурчилиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқдаки, шу боис туёқ сони ошиб, даромад яхшиланаётир. Шундай инсонлар бор учун дастурхонимиз сероб, тўкинчилик. Улар учун ёғаётган ёмғир, қор ҳам писанд эмас. Халқимизда: "Чўпоннинг чакмони ивимас" деган доно нақл бор. Дарҳақиқат, қиш – чорвадор матонатини, унинг бардошини синовдан ўтказади. Ана шундай кунларда улар ҳолидан хабар олиш савоб бўлади.

-2002 йилнинг баҳори жуда серёғин келди, - дейди Ҳайит ака. – Яйловлардан мўл-кўл пичан жамғардик. Бу – 5000 тоннани ташкил этади. Ана шу озуқанинг салкам 2000 тоннаси кўк беда. Ўтган йилдан 2000 тонна озуқа қолганди. Жами 7000 тоннадан ортиқ сервитамин озуқа базамиз бор... 5 та КУФ, яъни хашак майдалагич агрегатимиз ишлаяпти. Эҳтиёт шарт, 1000-2000 тонна озуқани майдалаб қўямиз. 73 та качарлар ҳам қиш мавсумига тайёр. Қўйчивонларимизни ҳам иссиқ кийим-бош билан таъминлаганмиз. Аммо, шунга қарамасдан муаммоларимиз ҳам йўқ эмас...

Чўл шароитида ҳаёт манбаи - сувнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳар бир қўшда 1 та-2 тадан қудуқ бор. Ана шундай қудуқлар сони 74 та. Қудуқлардан сув мотор орқали, ёки электр кучи билан тортиб олинади. Муаммо шуки, қудуқлар учун мотор ва унинг лента-ременлари камёб.

-Қудуқлар учун мотор ва унинг ременлари зарур, - суҳбатимизни давом эттиради раис. – Тадбиркор, ишбилармон юртдошларимиз ана шу мушкулларимизни, муаммоларимизни бартараф қилишда биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишса деймиз...

Муборак – нафақат туманда, балки Қашқадарёда ҳам кўп тармоқли, иқтисодий бақувват хўжаликлардан саналади. 60,5 минг қоракўл қўйларининг 31,5 минг бошини совлиқлар ташкил этади. 1200 бош наслдор қўчқорлари бор. Ҳар йили наслдор моллар сотиш бўйича ҳам каттагина даромад қилинади. 488 бош туя, 446 бош от, 53 бош қорамол ҳам парваришланмоқда. 2002 йилда кўзда тутилган 21280 ўрнига 30400 бош қўзи олиниб, 15280 ўрнига 23100 боши ўстиришга қолдирилди. 550 ўрнига 640 тонна гўшт, 650 ўрнига 853 центнер жун, 6000 ўрнига 7300 дона қоракўл тери етказиб берилди. Буларнинг барчаси иқтисодий манфаатдорликни оширмоқда.

-Йил бошида 374 миллион 590 минг сўмлик даромад қилишни режалаштиргандик, - дейди бош ҳисобчи Шомурод Рўзмуродов. – Амалда, бу кўрсаткич 388 миллион 488 минг сўмга етди. 30 миллион 540 минг сўм соф фойда олиш кўзда тутилган бўлса-да, йил охиридаги бу кўрсаткич 91 миллион 157 минг сўмни ташкил этмоқда. Ширкат аъзоларига 9 миллион 115 минг 700 сўмлик дивидент тарқатамиз. Ундан ташқари, оилавий пудрат бошлиқлари натура ҳолида маҳсулот, мукофот пуллари олишди. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маоши ана шу ҳисобдан 21000 сўмга тўғри келмоқда. "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан 60 нафар нуронийларга совға-саломлар, пул берилди. Хўжаликда ишлаб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган 30 кишига дивидент пуллари тўлашга келишдик. Ширкат аъзоси Ражаббой Жумаевнинг ҳурматини жойига қўйиб, тўй қилиб, сарупо-совғалар билан пенсияга узатдик. Муборакнинг кўҳна шаҳарида қишлоқ врачлик пункти қурилмоқда. Ана шу ободончилик учун ҳам маблағ ажратдик. Олий ва ўрта махсс ўқув юртларида таълим олиб, ҳунар ўрганаётган 10 нафардан зиёд талабалар учун контракт-шартнома тўловларини тўлаяпмиз. Буларнинг барчаси – иқтисодга, даромадга, кўрилаётган фойдага боғлиқ.

-Бирорта оилавий пудратчининг йиллик даромадларини билсак бўладими? – сўраймиз бош ҳисобчидан.

-Албатта, - дейди Шомурод ака. – Мана, бош чўпон Чори Норбоевни олайлик. Отарида 1400 бош қўйи бор. 1090 бош қўй қўзилади. 800 бош қўзини ўстиришга қолдирди. Эвазига – 47 бош натура ҳолида маҳсулот – тирик қўзи олди. 2 миллион 25 минг сўм пул мукофоти...

...Қайтаётиб, яна саксовулзорларда тўхтадик. Осмондан ўйнаб-ўйнаб ёғаётган пağа-паға лайлак-қор муборакликлар учун қишки мўъжизадек туюлаётган бўлса ажаб эмас.

**Жалол ЯХШИБОЕВ,**
**журналист.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ТЕРРОРГА ЖАВОБАН ҲАВО ҲУЖУМИ

***Куни кеча Тель-Авивда юз берган иккита портлаш туфайли 24 киши ҳалок бўлиб, ўнлаб кишилар жароҳатланган эди. Шундан сўнг Исроил ҳаво қўшинлари Ғазо шаҳрига ракета ҳужуми уюштирдилар.***



Полициянинг маълум қилишича, катта миқдордаги портловчи моддалар билан қуролланган камикадзелар хорижий ишчилар ва ночор исроилликлар йиғиладиган эски марказий автобус станциясида террор актларини амалга оширганлар. Ноябр ойидан буён биринчи бор кузатилаётган ушбу терактлар жавобгарлигини "ХАМАС" ва "Ислом жиҳоди" ташкилотлари ўз зиммаларига олганлар. Фаластин мухторияти вакили Саёб Эрекат бу воқеаларга ўз ҳукуматининг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтган.

## ЛИТВАДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

***Литвада ўтказилган президентлик сайловларининг 2-босқичида собиқ бош вазир Роландас Паксас амалдаги президент Валдас Адамкусдан 10 фоиз кўп овоз тўплади.***



Биринчи босқичда эса Адамкус пешқадамлик қилган эди. Бош сайлов комиссияси раҳбари Зенонас Вайгаускаснинг айтишича, сайловчиларнинг 55 фоизи Паксасга, 45 фоизи эса Адамкусга овоз берганлар. 46 ёшли Паксаснинг шу йил 26 феврал куни янги вазифани бажаришга киришиши кутилмоқда. "Мен ўз муваффақиятимга доимо ишонар эдим. Мен мамлакатдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини биламан", деди Роландас журналистлар билан учрашувда.

## ИРОҚДА ЎҚУВ МАШҚЛАРИ

***CNN агентлигининг хабар беришича, қуролланган Ироқ халқидан тузилган бўлинмалар мамлакат жанубидаги Бобил вилоятида бўлғуси урушга тайёр туриш мақсадида ҳарбий ўқув машқларини ўтказганлар.***



Манбаларга кўра, АҚШ томонидан кутилаётган эҳтимолли уруш вақтида айнан Бобил вилояти пойтахтни мудофаа қилишда муҳим стратегик омил бўлиб хизмат қилади. Кеча эса мамлакат президенти Саддам Хусайн қуролли кучларнинг 82 йиллик юбилейи муносабати билан телевидение орқали чиқиш қилди.

Ироқда тафтиш ишларини олиб бораётган халқаро инспекторлар эса Мосул шаҳрида янги ваколатхона очдилар. 27 январ куни эса инспекторлар раҳбари Ханс Бликс БМТ Хавфсизлик Кенгаши олдида олиб борилган миссия юзасидан якуний ҳисобот бериши керак.

## 10 ЙИЛЛИК ФУҚАРОЛАР УРУШИ

***Жазоирнинг Батна шаҳри яқинида кетаётган автоколоннага ҳужум қилиниши боис, 40 дан ортиқ аскарлар ҳалок бўлди ва 19 нафари жароҳатланди.***




Айни вақтда пойтахтда юз берган портлаш эса 13 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мамлакат ҳукумати эса ушбу ҳужумларда ислом жангариларини айблаётган бўлиб, улар билан ҳукумат ўртасида давом этаётган тўқнашувлар 10 йилдан буён тўхтагани йўқ. Сўнгги пайтларда ҳарбийлар жангари гуруҳларга қарши тоғларда махсус операциялар ўтказган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳуружлари пасайганича йўқ. Бир йилдан сўнг эса мамлакатда сайловлар ўтказилиши кутилмоқда.

## ДЕНГИЗ ФЛОТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

***Ҳарбий нашр ҳисобланмиш "Красная звезда" газетасига интервью берган Россия ҳарбий денгиз флоти бош қўмондони адмирал Владимир Куроедовнинг айтишича, тизимда қисқартириш амалга оширилди.***



Унинг фикрича, денгиз кучларини молиялаштириш яхшиланган чоғда ҳам, айни пайтда заҳирада турган кемаларнинг бешдан бир қисми жанговар вазифаларни бажара олмайди.

1992-1997 йиллар оралиғида денгиз флотида 10 та атом сув ости кемалари бўлган бўлса, ўтган йили яна битта янги кема сувга туширилди. Яқин йиллар ичида флот яна битта ядровий ва битта дизелли сув ости ҳамда бир неча сув юзасида ҳаракатланадиган кемаларга эга бўлади.

## ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

***Хитойнинг учувчисиз бошқариладиган тўртинчи фазо кемаси "Шеньчжоу-IV" орбитада 6 кун бўлгандан сўнг яна Ерга қайтди.***



Экспертларнинг фикрича, бу Хитойнинг келгуси йил инсон бошқарадиган кемасининг орбитага чиқариш йўлидаги сўнгги синови ҳисобланади. 1999 йилнинг ноябридан буён фазога чиқарилган "Шеньчжоу-I", "Шеньчжоу-II", "Шеньчжоу-III" кемаларининг ҳам парвозлари муваффақиятли якунланган эди. Агар Пекин келаси йили ўзининг учувчили кемасини орбитага чиқара олса, бу борада Россия ва АҚШдан кейинги учинчи давлат ҳисобланади.

**"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.**



Яқинда Навоий вилояти "Қоракўл" уюшмасида вилоятдаги чорвачилик билан шуғулланувчи 32 та хўжаликнинг бош иқтисодчилари ва ҳисобчилари иштирокида икки кунлик ўқув семинари ўтказилди. Унда иштирок этган адлия, солиқ ва прокуратура органлари вакиллари бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ушбу тармоқда ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, чорвачиликда оилавий пудрат ва чек усулини такомиллаштириш солиқ, бухгалтерия ҳисоб-китобларини пухта олиб бориш юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришди. Бундай тадбирлар ўз навбатида, юқоридаги каби мутахассисларнинг ўз фаолиятларини замон талаблари асосида юритишларида катта ёрдам бериши, шубҳасиз.

**СУРАТДА: семинар-кенгаш қатнашчиларидан бир гуруҳи ўзаро мулоқотда.**
**Х.ШОПЎЛАТОВ олган сурат.**

# МАҚСАД – УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИШ

(Боши 1-бетда)

Бу Пайариқ туманидаги "Пахтакор" фермер хўжаликлари уюшмасида амалга оширилди. Аввало, техник жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолган жамоа хўжалигининг ёнилғи қуйиш шоҳобчаси "Жомбойнефтмаҳсулотлари" корхонаси томонидан сотиб олинди ва катта маблағ эвазига қайта таъмирланди. Натижада, фермерларга доимий равишда ёнилғи тарқатувчи мўъжазгина шахобча қад ростлади.

Яна бир қулайлик. Фермерлар уюшмаси ҳудудида минерал ўғитлар билан савдо қиладиган "Агрохизмат" дўкони ташкил этилди. Дўкон омборхонасидан истаган турдаги кимёвий ўғитларни топиш мумкин. Жорий йилда таъминотчилар юзлаб фермерларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишиб, ҳожатларини чиқаришди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам айтиб турибди. Масалан, шу давр ичида 850 тонна азотли, 163 тонна фосфорли ва 18 тонна калийли ўғит сотилди. Дўкон мутасаддиси келгуси йилда ҳам фаолиятни узлуксиз давом эттириш мақсадида 137 та фермер хўжаликлари билан шартномаларни имзолаб қўйган.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган техник марказ ихтиёрида 21 та автомашина ва 55 та трактор мавжуд. Бу техникалар иш қуроли, улови бўлмаган фермерларга шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

Бу имкониятлардан фойдаланиш учун албатта, ўз ҳисоб рақамидан мазкур жойларга пул кўчириш лозим. 150 га яқин фермер учун ҳар қандай банк ҳам ҳужжатларни расмийлаштиришга икки-уч кун вақт сарфлайди. Экиш, вегетация даврида ҳам иш кутиб турмайди. Об-ҳавонинг ҳар дақиқаси ғанимат. Хуллас, фермерларга намунали ва тезкор банк хизмати кўрсатиш мақсадида "Савдогарбанк" ўзининг мини банкини очди. Ушбу шахобчада 6 нафар малакали банк ходими ишлаяпти, мижозлар 79 нафарга етган. Бинода мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Бироқ, инкасса хизмати ва модем алоқаси йўлга қўйилганича йўқ. Агар ана шу муаммолар ҳам ҳал этилса, мижозлар сонини 300-400 тага етказиш мумкин. Шундай бўлса-да, мини банк жамоаси ҳар ойда 350 минг сўм даромад қилишга эришмоқда. Бу қулайликлардан фермерлар хурсанд.

Масалан, фермер Ширинбой Яҳёев жорий йилда ғалладан мўл ҳосил етиштирди, давлатга режадаги 107 тонна ўрнига 175 тонна пахта топширди. У бу ютуқларни хизмат турларининг ташкил этилганлиги билан изоҳлади.

**Ҳамза ШУКУРОВ**

# ЎЗ КУЧИНГГА ИШОНЧ БЎЛСА

ДАВР

***Мирзаобод туманининг А. Қулбеков номидаги ширкат хўжалиги аъзоси Турсунали Қорабоев 1998 йилда 5 миллион 900 минг сўм кредит олиб, чорвачилик фермасини хусусийлаштиришга киришган вақтида келажакни олдиндан кўра билганди.***

Бундан аввал у вилоят сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси қошидаги "ТАСИС" Европа хусусий тадбиркорлар уюшмаси ўқув марказида малакасини оширди. Кейинчалик эса бир ой Францияда бўлиб, француз фермерларининг иш тажрибаси билан танишди.

Чорвачилик фермасини сотиб олгандан сўнг қисқа вақт ичида моллар сонини 65 бошга етказди. Ўзига ажратилган 83 гектар ердан унумли фойдаланиб, 10 гектарига беда, 15 гектарига буғдой экди, 10 гектарини эса пахта учун ажратди. Қолган 45 гектар ерга эса маккажўхори эка бошлади.Ошқовоқ ва витаминга бой бошқа полиз экинларини ўзидан чиқариш ҳаракатида бўлди. Хўжаликда иш кўнгилдагидек кетгани учун ҳам аъзоларни сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди.

Тадбиркор ўзининг хусусий машина-трактор саройига эга. У ерда иккита "Беларус", битта "Олтой", биттадан ДТ-16 ва "КПИ", экув сеялкалари ҳамда култиватор бор.

Кўп йиллик меҳнат ўз самарасини бермай қолмади. Эндиликда Турсунали Қорабоев кимошди савдосида 3 миллион 490 минг сўмга баҳоланган маъмурий бинони сотиб олди. Пухта таъмирдан чиқарилган ва 16 хонадан иборат ушбу бино эндиликда хўжалик идораси вазифасини ўтамоқда. Таъмирлаш жараёнида у фермерлар йиғилишини ўтказишга мўлжалланган каттакон зални ҳам кўзда тутганди. Идора ҳовлисига турли мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, боғ яратилди.

Т. Қорабоев бугунги кунда ўзига тўқ одамлардан ҳисобланади . Шу баробарида у хайрия ишларини ҳам унутгани йўқ. Кам таъминланган оилалар, қариялар ва ногиронларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. "Тошкент" ширкат хўжалигида жойлашган болалар уйининг тўрт нафар тарбияланувчиси суннат тўйини ўтказди, ҳар йили туман болалар оромгоҳида дам олувчи болалар учун битта бўрдоқи новвос ажратади. Ўтган йили эса қўшни ҳарбий қисм аскарларига 50 килограмм гўшт, Мирзаобод туман касб-ҳунар коллежи ҳовлисига арча кўчатлари етказиб берди.

"Тўқли мерган" хусусий чорвачилик фермасида 12 киши ишлайди. Уларнинг ҳар бири бир нечта касбни эгаллаган. Исталган вақтда бирларининг ўринларини боса олади.

Турсунали Қорабоев яқинда "Пахтабанк"нинг туман бўлимидан беш миллон сўм кредит олиб янги режалар туза бошлади. У уч гектарлик боғ яратишни, сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи кичик корхона очишни ният қиляпти.

Ишни бошлаш арафасида Турсунали Қорабоев дўст-биродарлари, қўшнилари ва ҳамқишлоқларидан буларни уддалаш осон эмаслиги ҳақида кўп эшитарди. Фермер бу гаплардан сўнг ишга янада қаттиқ берилар, режаларини амалга оширишга жиддий киришарди. Ахир ҳаётда ўзингни нималарга қодирлигингни кўрсатиш учун интилиш, изланиш керак-да. Зеро, ўз кучингга ишонч бўлса, шунда ишларинг ҳам бароридан келаверади.

*"Туркистон-пресс"*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 7 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 552,17 | 1 Польша злотийси | 253,81 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1560,47 | 1 СДР | 1310,68 |
| 1 Дания кронаси | 136,34 | 1000 Туркия лираси | 0,59 |
| 1 БАА дирхами | 264,14 | 1 Швейцария франки | 695,65 |
| 1 АҚШ доллари | 970,08 | 1 ЕВРО | 1012,28 |
| 1 Миср фунти | 209,75 | 10 Жанубий Корея вони | 8,14 |
| 1 Исландия кронаси | 12,00 | 10 Япония иенаси | 81,31 |
| 1 Канада доллари | 620,97 | 1 Россия рубли | 30,52 |
| 1 Хитой юани | 117,20 | 1 Украина гривнаси | 181,92 |
| 1 Малайзия ринггити | 255,32 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## «ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 5-ЯНВАРДАГИ 58-ТИРАЖИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

1-Тур - 89, 61, 66, 45, 17, 42, 34 250000 сўмлик тилла буюмлар
сони: 1 чипта рақами: 40628
2-Тур - 52, 78, 73, 10, 4, 75, 63, 57, 65, 18, 77, 76, 22, 80, 51 500000 сўмлик тилла буюмлар
сони: 1 чипта рақами: 74613
3-Тур - 44, 21, 3, 7, 69, 24, 71, 43, 67 750000 сўмлик тилла буюмлар
сони: 1 чипта рақами: 45000
4-Тур - 31, 33, 19, 72, 5, 62, 8, 23, 46, 82, 20, 64 1000000 сўмлик тилла буюмлар
сони: 1 чипта рақами: 43406
5-Тур - 39, 81, 32, 12, 29, 50, 85, 47 2 000 000 сўмлик тилла буюмлар
сони: 2 чипта рақами: 26196 , 41312
6-Тур - 56, 40, 90, 11, 25 «NEXIA» автомобили
сони: 1 чипта рақами: 41009
7-Тур - 26, 41, 60, 28, 48, 55, 16, 70, 68, 2 7000 сўм
сони: 1
8-Тур - 53, 54, 74 4000 сўм
сони: 1
9-Тур - 15 3000 сўм
сони: 3

10-Тур - 27 2000 сўм сони: 9
11-Тур - 58 1000 сўм сони: 5
12-Тур - 86 950 сўм сони: 13
13-Тур - 9 900 сўм сони: 37
14-Тур - 6 850 сўм сони: 37
15-Тур - 35 800 сўм сони: 32
16-Тур - 83 750 сўм сони: 50
17-Тур - 87 700 сўм сони: 56
18-Тур - 14 650 сўм сони: 94
19-Тур - 36 600 сўм сони: 170
20-Тур - 1 550 сўм сони: 434
21-Тур - 88 500 сўм сони: 484
22-Тур - 49 450 сўм сони: 865
23-Тур - 59 400 сўм сони: 1329
24-Тур - 84 350 сўм сони: 1240
25-Тур - 37 300 сўм сони: 2776

Халтадан чиқмаган шарлар: 13, 30, 38, 79

## Лицей мебеллари кўргазмаси

***Пойтахтимизда шу йили фойдаланишга топшириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий мебеллар билан таъминлаш учун тендер савдоларида сотиб олинадиган мебеллар кўргазмаси ташкил этилди.***

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу кўргазмада кўплаб ташкилот, корхона, фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.Танлаб олинадиган ўқув жиҳозларининг сифати ва нархи тендерда асосий мезон саналади.

**(ЎзА)**

# ОТА ДУОИБАТИ - ЎҚ!..

***Қўшни қишлоқда яшайдиган, ҳамма "Паравоз" деб чақирадиган кишини атрофдагилар яхши танишади. Унинг асли исмини, ёши нечадалигини, нима учун номи бунақа бўлиб қолганини эса кўпчилик билмаслиги аниқ.***

Гап шундаки, на оиласи, на турар жойининг тайини бўлмаган бу кимса ўзининг алатовур девонаваш қилиқлари билан юқоридаги "унвон"га эга бўлган. Бир қараса, кўча-кўйда овозининг борича ҳали бирор ҳофиз куйламаган, бирорта сўзини тушуниши мумкин бўлмаган ғалати ашуласини хониш қилиб юради. Бир қараса, текин томоша ишқибозлари талабига биноан паравоздек пишқириб, у ёқдан-бу ёққа югуриб томоша кўрсатади, баъзан ҳайвонларга тақлидан овоз чиқариб "мухлислари" кўнглини овлайди, ҳатто бозор дарвозаси олдида ғудраниб тиланчилик қилиб ўтирганини ҳам кўп кўришган.

Кунларнинг бирида ўртоғимнинг бобосидан ғалати гап эшитиб қолдим. У кишининг айтишича, ҳалиги "Паравоз" лақабли кимса бир пайтлар кўрганнинг кўзини куйдирадиган, қад-қомати келишган йигит бўлган экан. Ота-онаси уни арзанда қилиб ўстиришган. Оқибатда у ноқобил фарзанд бўлиб вояга етган. Ота-онасининг берган тузини оқлаш ўрнига уларга кўп жабру ситам ўтказган. Онаси бу дунёни тарк этгач ҳам, кўзи очилмаган гумроҳ банда маишатбозлик учун пул бермаган отасининг бошига обдаста билан урган экан. Орадан кўп ўтмай ота ҳам дорул бақога йўл олади. Ўлар чоғида: "икки дунё бошинг хорзорликдан чиқмасин", дея дуоибад қилган экан.

**ҚИСМАТ**

Бу воқеа кўпчиликни ажаблантирмаслиги табиий. Чунки, отанинг қарғишини олиб, икки дунё юзи қаро бўлганлар ҳам, ризолигига эришиб, саодат соҳибига айланганларни ҳам ҳаётда кўп учратиш мумкин.

Азал-азалдан отанинг фарзанд ҳақига қилган дуоси қай мазмунда бўлмасин шубҳасиз амалга ошажаги маълум бўлиб келган.

Ўтмишда номи боқий қолган кишилар ҳаётида ҳам ота дуоси қай тариқа ўрин тутгани хусусида бизгача тарихий манбалар ёхуд халқ тилидаги афсона ва ривоятларда кўпгина маълумотлар етиб келган.

Тарихда ўз отасини ўлдириб, тахтга эга чиққан шаҳзодаларнинг тақдири не кечгани кўпчиликка аён. Биргина ўзининг донишманд отасини ўлдирган Абдуллатиф тақдирини эсланг. Отасининг ўлими эвазига салтанатни эгаллаб, кўп ўтмай ўзи ҳам Яратганнинг ғазабига учраган, абадулабад "падаркуш" тавқи лаънатига дучор бўлган тождорлар биргина Абдуллатиф эмас. Салавкийлар сулоласига мансуб шаҳзода Гелиоколь, Эрон шоҳи Анушервоннинг ўғли Шеруя, Аббосийлар сулоласи вакили, халифа Мунтасир, Хева хони Араб Муҳаммадхоннинг зурёдлари Элбарс ва Бойбарс... Буларнинг барчаси ўткинчи салтанат учун ўз падари бузрукворларининг ҳаётига нуқта қўйишган. Оқибат эса равшан. Уларнинг ҳеч бири тахт тепасида узоқ муддат қолишолмаган. Бу ҳақда ҳазрат Низомий ҳам "Хамса" достонида шундай ёзадилар:

**Падаркуш салтанат пойига етмас**
**Етиб ҳам олти ойдин зарра ўтмас.**

Ушбу мисралардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур мавзу ўрта асрлар адабиётида ҳам маълум даражада ўз ўрнини топган. "Хамса" циклидаги достонларнинг барчасида юқорида тилга олинган Хусрав Анушервон ва Шеруя фожиаси баён қилинади. Бевосита ғарб адабиётида ҳам ота қарғиши кўпгина асарларда бадиий мотив вазифасини ўтаган. Биргина Шекспирнинг Қирол Лир фожиасини ёдга олайлик. Отасини қувғин қилган маликалар Гонорилья ва Ренаданинг фожиали ўлимига ҳам ота қарғиши сабаб бўлган.

Шу билан бирга ота дуосининг хайрли оқибати ҳам тарихдаги кўпгина буюк сиймолар ҳаётида туб бурилиш ясаган. Биз бу ҳақда ҳам бир қанча мисоллар келтиришимиз мумкин. Бироқ, мозийда кўпчиликнинг кўз ўнгида юз берган мана бу воқеа ҳозиргача анча-мунча баҳс мунозараларга сабаб бўлиб келаётир.

Маълумки, Захириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда марказлашган давлат барпо этиб, ушбу юртни бошқараётган пайтда унинг зурёди Ҳумоюн Мирзо оғир дардга чалинади. Ҳеч бир табиб шаҳзоданинг дардига шифо тополмагач, уламолар "дунё молидан яхшироғини тасаддуқ қилмоқ керак"лигини айтишади. Бобур эса ўз жигарбанди учун Кўҳинур олмосидан-да, қимматли бўлган ўз жонини "тасаддуқ" қилишни афзал билади. Бу ҳақда "Бобурнома"да ўқиймиз: "Ўшал ҳолатта кириб, уч қатла бошидин ўргулиб дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлиб й и - қилдим..." Шоҳ ва шоирнинг ушбу бебаҳо асари айнан шу жумлалар билан ниҳоясига етади.

Хуллас, ота дуоси ҳақида яна қанчалар гапириш мумкиндир. Зеро, унинг олий куч-қудрати ҳеч қандай изоҳ ва эътирофга ҳам муҳтож эмас. Шу боис қай бир халқнинг миллий анъаналарига назар солманг, қайси диний таълимот ақидалари билан танишиб чиқманг, барча-барчасида отани эъзозлаш, унинг амрига сўзсиз итоат этиш қатъий талаб этилади. Ота дуоси қудратининг сири ҳам бевосита унинг чиндан-да улуғлигида бўлса ажаб эмас.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# САНЪАТКОР СИЙРАТИДАГИ СЕҲР

**(Боши 1-бетда)**

Шунда Хўжамқул бобо ўғлини санъатга ошно этишга қарор қилади. Дўсти Комилжон Отаниёзовнинг галдаги сафарида (санъаткор Самарқандга ҳар келганида шу хонадонда меҳмон бўлган) Жаҳонгир ҳақида гап очади. "Ёшлар шаштини қайтарманг", дейди шунда Комилжон оға ва уни шогирдликка олади. Шу-шу бўлажак уста ҳаётида янги давр бошланади. Ахир, машҳур ҳофиз таълимини олиш, унга ҳамқадам бўлиш осонми?

Энг муҳими, устоз тавсияси билан Жаҳонгир қўшиқ ижро этишга эмас, мукаммал мусиқа асбоблари яратишга катта эътибор қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Изланишлар, меҳнат машаққатлари севган касбга дадил ва ижодий ёндошишга даъват этарди. Устоз у ясаган ҳар бир мусиқа асбобини диққат билан кўздан кечириб, чалиб кўрарди. Ҳатто кўп давраларда, концертларда шу созлардан фойдаланганлигини кўпчилик билмаса керак. Комилжон Отаниёзов торини таъмирлаш, тузатишни ҳам ишонч билан самарқандлик шогирдларига берган.

Жаҳонгир Хўжамқулов Хоразм диёрида юрган 6 йил давомида кўплаб мусиқа асбоблари ясаш, яратиш билан шуғулланди. Унинг қўлидан чиққан тор, рубоб, танбур, ғижжак, доира каби ўнлаб миллий чолғулар пишиқлиги, пухталиги ва бежиримлиги, асосийси, оҳангининг майинлиги билан ажралиб турарди. Бунинг устига, уларни безашда садаф, металл, суяк ва пластмассалардан фойдаланиш чолғу асбобларнинг кўркамлигини таъминларди. Бу эса санъаткорлар эътиборини тортмасдан қолмасди, албатта.

1972 йилда Ж.Хўжамқулов Самарқандга, ўз қишлоғига қайтиб, Набижон Ҳасанов номли 6-мусиқа мактабида фаолиятини давом эттирди. Ёш авлодга рубоб мутахассислиги бўйича сабоқ бериш билан бир қаторда севимли ҳунарини канда қилмади. Айни пайтда ҳам у бу йўналишда тиним билмасдан тер тўкаётир. Уста ўз маҳоратини янада ошириш, мусиқа асбоби ясашга чидамли тут, дуб, ёнғоқ сингари ёғочлар танлаб, уларга ишлов беришда илғор усулларни жорий этиш, безашда янги тажрибаларни ишга солишга жиддий эътибор қаратмоқда. Жаҳонгир аканинг қўлига тушган оддий чўп ҳам бир зумда "тилга кириб", нола этади, десак бунинг муболағаси йўқ.

-Мен Комилжон Отаниёзовга шогирд тушган, у билан бирга нафас олиб, ўрганган ҳунаримдан обрў топдим, - дейди уста Жаҳонгир. – Марҳум устозим нафақат улуғ санъаткор, ажойиб инсон, меҳрибон, мураббий эди, балки миллий мусиқа асбобларининг етук ижодкори, билимдон мутахассиси эдилар. Шу боис, ўтган йиллар давомида яратган асарларим гўё тирик жон каби "ўша дамлар эсингдами", деяётгандек. Шундай вақтда улар фарзандларимдек азиз бўлиб қолганлигини ҳис этаман. Бинобарин, янги ясалган ҳар бир соз санъат асари даражасига етиши учун уста бутун ҳунарини, қалб қўри, кўз нурини бағишлаши лозим. Касб фидойиси худди рассом, ҳайкалтарош, наққош каби ҳам ҳаракат қилиши зарур. Шунда халқ чолғу воситаларининг пардалари жойига тушиши, тиниқ чиқиши, ўлчови бузилмаслиги мумкин. Ҳақиқий уста чолғу асбобини аввало ўзи қиёмига етказиб чалиб, синаб кўриши, унинг жарангдорлиги, оҳангдорлигини ҳис эта билиши, куйнинг нафислиги, овоз авжларига тўғри баҳо бера олиши айни муддаодир. Менинг муваффақиятларимда ана шу хислат мужассамлашган. Ҳозирги кундаги қатор санъаткорлар, хусусан, Раҳматжон Қурбонов, Шариф Болтаев, Қодирберган Раҳимов каби эл севган қўшиқчилар торига қалб қўрим тўкилганидан беҳад мамнунман.

Биз эзгулик ва гўзаллик чўғини юртдошларимиз юрагига муҳрлаган уста Жаҳонгир Хўжамқулов сиймосида ўзбек миллий чолғу асбоблари усталарининг истеъдодли вакилини, ажойиб созанда ва моҳир мураббийни кўрганимиздан чексиз қувонишни истардик. Халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилик тарихи қанча узоқ бўлса, келажаги ҳам шу қадар порлоқ. Демак, ёғочга "жону тил" бағишлаб, кишиларга завқ-шавқ улашаётган замондошларимиз ҳамиша омон-эсон юрсин.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





**Пойтахтимиздаги ҳарбий соҳага йўналтирилган Республика лицейи мамлакатимизнинг ҳарбий салоҳиятини юксалтириш йўлида фаолият кўрсатаётган ўқув масканларидан бири ҳисобланади.**

**-Бизнинг даргоҳда Ватан тинчлиги учун хизмат қиладиган юзлаб фидойи ёшлар таҳсил олишади, - дейди лицей директори ўринбосари Иристой Эргашев, - лицейимизнинг асосий мақсади ёшларимизни Қуролли кучларимиз сафига жасур аскар ва зобитлар бўлиб қўшилишига баҳоли қудрат кўмаклашиш.**

**СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.**
**А.ПОПОВ олган суратлар.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## МУСОБАҚАЛАР МУВАФФАҚИЯТСИЗ ЎТДИ

***Янги йилда теннисчиларимиз халқаро мусобақаларда иштирок этишга ҳам улгуришди.***

Австралияда бўлиб ўтаётган Хопман Кубогида вакилларимиз АҚШ терма жамоаси билан ўзаро куч синашишди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Австралия очиқ чемпионати олдидан ўтказилаётган мусобақа ҳамюртларимизга омад келтирмади. Чунки Жеймс Блекка қарши кортга тушган Олег Огородов биринчи сетни 7/5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этган бўлса-да, кейинги сетларда 4/6, 1/6 ҳисобларида рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Теннисимиз "малика"си, ҳозирда жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари орасида 16-ўринни эгаллаб турган Ирода Тўлагановага жаҳоннинг биринчи ракеткаси Серена Уилямс билан кечган ўйинда осон бўлмади. Дастлабки сетда 3/6 ҳисобида енгилган Ирода жароҳат олди ва кейинги сетни ҳам рақибига 2/6 ҳисобида осонгина бой берди.

Шунингдек, ҳамюртларимизнинг Бельгия терма жамоаси аъзолари билан ўтказган учрашувлари ҳам муваффақиятсиз якунланди. Тўлаганова – Клистерс 3/6, 2/6, Огородов ҳам рақиби Малисга енгилди. Жуфтликда эса Огородов-Тўлаганова – Малис-Клистерс ўртасидаги баҳсда 1/6, 1/6 натижалари қайд этилди.

## ЁШ ПОЛВОНЛАР ГИЛАМДА

***Маълумки, юртимизда ўқувчилар ўртасида "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ўтказилиши анъана тусига кирди. Куни кеча Бухоро вилоятида академик лицейлар, коллеж жамоалари ўртасида "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг навбатдаги босқичига старт берилди.***

Турнир финалига йўлланма олиш учун барча туман жамоалари астойдил кураш олиб боришди. Айниқса, белбоғли кураш бўйича ўтказилган беллашувларда ғолиб жамоани аниқлаш осон кечмади. Бухоро, Олот, Жондор туманларининг ёш, шижоатли полвонлари ғолибликка асосий даъвогарлардан эканликларини яшириб ўтиришмади. Турнирда ғалабани қўлга киритган Бухоро тумани полвонлари кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Дарвоқе, мусобақа якунида ғолиб ва совриндор жамоалар аъзоларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## "УМИД НИҲОЛЛАРИ"ГА СТАРТ БЕРИЛДИ

***"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг навбатдаги босқичига ҳам старт берилди. Хусусан, пойтахтимиздаги 242-мактабда мазкур мусобақаларнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

5-7-синф ўқувчилари ўртасида баскетбол бўйича уюштирилган баҳсларда пойтахтнинг 11 та туман жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борди. Турнир якунида эса омад Акмал Икромов тумани жамоасига насиб этди ва улар навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Шунингдек, Хоразм вилоятида ҳам 5-7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Спортнинг 5 тури бўйича муросасиз кечган беллашувларда Боғот, Ҳонқа туманлари жамоаларига тенг келадиган спортчилар топилмади. Турнир якунида эса ғолибларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## "ПАХТАКОР" ХОРИЖДА

***Мамлакат XI миллий чемпионати ғолиби – "Пахтакор" жамоаси футболчилари айни кунларда Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулот йиғинларида қатнашмоқда.***

Шуниси эътиборлики, "Пахтакор"чилар 12 январда Тошкентга қайтадилар ҳамда 15 январда Москвага Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кубоги турнирида қатнашиш учун йўл оладилар.

**А.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

# БЕМОРНИ... ЗУЛУК ДАВОЛАЙДИ

***Ривоят қилишларича, Аюб алайҳиссалом пайғамбар бўлмасларидан илгари подшоҳ эди. Бойлигу давлатлари ҳам бисёр. Шунда шайтон Аюбнинг эътиқодини синаб кўрмоқчи бўлди. Уни тожу тахт, бойлик, фарзандларидан жудо қилди. Подшоҳ ёлғиз аёли билан қолди. Боз устига баданини яра-чақа босиб тузалмас дардга йўлиқди.***

Хотини энг оғир дамларда ҳам унга садоқат кўрсатди. Бир парча нон илинжида ўзини ўтга, чўққа урди. Кунларнинг бирида яраларини қурт босган Аюб "Эй, худойим, тилим билан дилимни қурт босмаса бўлгани, чунки улар сенинг ёдинг билан" дея илтижо этди.

Шунда Оллоҳ таолодан ваҳий келиб бир чашма пайдо бўлди. Аюб шу чашмада ювинаётган маҳал дов-дарахт баргига тушган қурт ипак қуртига, ҳаводагилари асаларига, сувга тушганлари эса зулукка айланди.

Бу бир ривоят. Аммо...

-Ҳар учаласи ҳам инсон учун фойдали, - дейди Бухоро шаҳридаги "Меҳр-5" хусусий тиббиёт маркази бош ҳакими Гулчеҳра Абдуллаева. – Ипак қурти инсонни кийинтиради, асалари асал беради, зулук эса одамларни касалликлардан фориғ этади. Бизнинг марказимизда беморларни зулук билан даволаш йўлга қўйилган.

**ТАБОБАТ**

1975 йилда Самарқанд тиббиёт институтини тугатган, сўнгра Россиянинг Обнинск шаҳридаги аспирантурада таҳсил кўриб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олган Гулчеҳра опа ҳамфикр докторлар билан бирга 1997 йилда хусусий тиббий марказ очган эди. Марказда амбулатория шароитида операция ҳамда электрокардиограмма, массаж қилиш имконияти бор. Опа бу билан қаноатланмай тўрт йил давомида халқ табибларидан беморларни зулук ёрдамида даволашни ўрганди.

-Зулук қонни суюлтиради, мия, юрак, жигар, умуман, инсоннинг барча органларига қон боришини яхшилайди, - дейди у киши. – Бу табиий даво усули. Яна бир жиҳати, зулук инсон учун зарарсиздир. Зулук, айтайлик, аспирин ўрнини босади.

Марказ шифокорларининг айтишларича, беморлардан бирининг қон босими тушиши қийин кечган. Ана шунда уни зулук билан даволашган.

-Тарихий манбаларда айтилишича, бобомиз Ибн Сино ҳам беморларни зулук билан даволагани маълум, - дейди Г.Абдуллаева. – Биз бунда ҳар бир беморга индивидуал тарзда ёндошамиз, албатта. Бош, бел, оёғи оғриганларга, ҳуснбузарларга қарши, ҳатто операциядан сўнг жароҳат тез битиши учун ҳам зулук қўйиш мумкин. Чунки зулук сўлаги билан герудин (доривор)ни бериб қонни суюлтиради.

-Баъзилар зулукни баҳор ва кузда қўйиш керак, дейишади, сиз бунга нима дейсиз? - дея сўраймиз доктордан.

-Йўқ, - дейди у. – Бу нотўғри тушунча. Уни йил бўйи қўйиш мумкин.

Ҳа, халқ табобати замирида ҳали юзага тўла чиқмаган қанчадан-қанча сиру синоатлар бор. Бу синоатлар замирига етиб уни инсон саломатлиги йўлига сарфлаш кони фойда эканлиги, табиий албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЮҚУМЛИ ГЕПАТИТДАН САҚЛАНИНГ

**(Боши 1-бетда)**

Юқумли касалликлар ичида вирусли гепатит кўпинча ана шундай жиддий оқибатларга олиб келиши ва тез тарқалиши билан хавфлидир. Ачинарлиси, бу хасталикнинг асорати одам организмида хоҳ у ёш, хоҳ қари бўлсин, бир умр сақланиб қолиши мумкин. Ўта хавфли бу касаллик жигарни хасталайди. Натижада у ўз вазифасини тўлиқ бажара олмайди, овқат ҳазм қилиш бузилади, организмда умумий модда алмашувига путур етади.

Вирусли гепатит касаллиги оғир ёки енгил кечишига қараб "А" ва "В" турига ажратилади. Гепатитнинг "А" тури билан хасталанган бемор касалликнинг биринчи ва иккинчи ҳафтасида атрофдагилар учун ҳам катта хавф туғдиради. Чунки бу даврда, ҳатто у фойдаланган идишлардан ҳам атрофга вируслар тарқалади.

Кейинги пайтларда гепатит касаллигининг сариқсиз кечадиган атипик формаси кузатиляпти. Сариқ касаллигининг "А" тури билан кўпинча 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар хасталанади. Гепатит "А" вируси юққандан сўнг касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган яширин давр 7 кундан 50 кунгача, баъзан эса 15-30 кун бўлиши мумкин. Бунда беморнинг тана ҳарорати 38° С даражагача кўтарилади. Баъзи ҳолларда бу даврда пайдо бўладиган белгилар грипп касаллигининг белгиларига ўхшаб кетади: йўтал, тумов пайдо бўлади, катта ёшдаги болалар баданининг қақшаб оғришидан ва бош оғриғидан шикоят қиладилар.

Юқумли гепатитга хос бўлган асосий белги баданда сариқлик пайдо бўлиш ҳисобланади. Дастлаб кўз оқи ва юмшоқ танглай сарғаяди, сўнгра сариқлик кучайиб терига ўтади. Бу даврда одатда беморнинг иситмаси тушади, лекин бу ҳол бемор аҳволининг яхшиланишини кўрсатмайди. Чунки жигар ва талоқ шишиб, катталашади.

Ёш болаларда гепатит "А" хасталиги сариқлик даврисиз, тўсатдан бошланиши ва иситманинг кўтарилиши, қусиш, жигарнинг оғриши билан намоён бўлиши ҳам мумкин. Ўз вақтида врачга мурожаат қилинмаса, хасталик оғирлашиб, жигар дистрофиясига олиб келиш хавфи бор.

Юқумли гепатит билан оғриган беморлар, албатта, касалхонада даволанишлари шарт. Баъзилар касаллик белгилари пайдо бўлса, ўз билганларича ёки атрофдагиларнинг маслаҳати билан дори истеъмол қиладилар ёки табибларга мурожаат қилиб даволанишга киришадилар. Аммо бу ҳол хасталикнинг оғир шаклига ўтиб кетишига олиб келиши мумкин.

Бемор касалхонада даволанаётганда кўпроқ ўринда ётиши ва парҳезга қатъий амал қилиши лозим. Унга бериладиган таомлар карбонсув ва оқсилларга бой, ёғ миқдори эса чекланган бўлиши керак. Дейлик, қайнатилган гўшт, балиқ, сузма, етарли миқдорда суюқлик, минерал сувлар, чой, глюкоза эритмаси бериш тавсия этилади.

Хасталикнинг тарқалишига умумий овқатланиш жойлари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг нотўғри сақланиши, идиш-товоқларни тозалаб ювишга эътибор қилмаслик, санитария-гигиена қоидалари ва эпидемияга қарши кураш тартибининг бузилиши сабаб бўлади.

Юқумли касалликларга қарши курашда ҳар бир кишининг фаол иштирок этиши кўрилаётган чораларнинг самарасини оширади.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
**шифокор.**

# ҚУВОНЧЛАРИ БИР ОЛАМ

***Тошкентдаги Антонина Хлебушкина номли 21-меҳрибонлик уйида ўтказилган арча байрамида болалар эртак қаҳрамонлари Қорбобо ва Қорқиз билан учрашиб, улардан хилма-хил совғалар олишди.***

Ҳозир ушбу даргоҳда олти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 75 нафар болалар тарбияланмоқда. Ўтказилган байрам тадбири барча ўғил-қизлар учун қувонч олиб келди. Турли-туман қўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Қорбобо ва Қорқизнинг чиқиши эса, болажонларга олам-олам завқ бағишлади. Тарбияланувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўриниши намойиш этилди. Айтиш керакки, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари турли жиноий ишлар, ичкилик ва гиёҳвандликка берилиб ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган инсонларнинг фарзандлари ҳисобланади. Шунинг учун улар ота-она меҳридан бебаҳрадирлар. Бу улар бутунлай эътибордан четда дегани эмас, аксинча ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар улар қалбида мудраётган меҳрни шакллантиришга омил бўлади. Кечада Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими, маҳалла вакиллари ҳам иштирок этиб, болаларни янги йил билан қутлашди.



**"Туркистон-пресс". Б.АКРАМОВ ("Қишлоқ ҳаёти") олган сурат**

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "LOCHER" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 191-35-76

Тошкент Политехника институти томонидан 1977 йили Соколов Александр Порфирьевич номига берилган Г-11 №297330 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан Зияев Баҳром Турсунбоевич номига берилган савдо қилиш ҳуқуқи қайд этилган №0522480 рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1998 йил 23 февралда Дададжанов Фуркат Маджидович номига расмийлаштирилган 11-02/4642 рақамли хусусий мулк ҳуқуқини берувчи квартира ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ҲАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-623, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18.236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com